

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Тарих ва ижтимоий фанлар факультети
Ўзбекистон тарихи кафедраси

Қўлёзма ҳуқуқида

НАЗИРОВ АНВАР

**ХОРАЗМ ВОҲАСИНИНГ ҚАДИМГИ МОДДИЙ МАДАНИЯТ
ЁДГОРЛИКЛАРИ ТАРИХИ**

5120300 – тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) таълим йўналиши
бўйича бакалавр академик даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

Иш раҳбари: тарих фанлари
номзоди, доцент Д.Собирова

Андижон – 2015 йил

РЕЖА:

КИРИШ.....	3
I БОБ КАЛТАМИНОР МАДАНИЯТИ.....	7
II БОБ. БРОНЗА ДАВРИДА ХОРАЗМ.....	24
III БОБ. ХОРАЗМ ШАХАРСОЗЛИГИ.....	35
ХУЛОСА.....	53
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	57

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин, она-Ватан тарихини билишга, ўзликни англашга қизиқиш ортди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, “Ўз тарихини билмайдиган, кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ. Бу ҳақиқат кишилик тарихида кўп бора ўз исботини топган”¹.

Тарих сабоқлари инсон учун намуна бўлади, таълим тарбия беради. Тарих сабоқлари халқни хушёрликка, ўз озодлигимиз, истиқлолимизни кўз қорачиғидек асрашга ундайди. Ислон Каримов таъкидлаганидек, “Модомики ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳақиқий тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантиришимиз, яна бир бор қуроллантиришимиз зарур”². Ўрта Осиё цивилизацияси жаҳон тарихи тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, минтақа илк шаҳарлари Қадимги Шарқнинг маданий, иқтисодий ва сиёсий шаҳар марказлари билан узвий алоқада ўзига хос йўналишда тараққий этган. Жумладан, Ўзбекистон ҳудудларидаги илк шаҳарсозлик ва давлатчилик жараёнлари ҳам Қадимги Шарқ, цивилизациясининг муҳим бўғинини ташкил этган. Ўрта Осиё ҳудудларида энг қадимги даврлардан бошлаб турли тарихий-маданий жараёнлар тараққий топган. Минтақа қулай географик жойлашувга эга бўлиб, Шарқ ва Ғарб мамлакатларини иқтисодий ва маданий алоқалар тизимида бир-бирига боғлаб турган.

Урбанизация жараёнларини ташкил этиш жаҳон тарихи фанининг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Қадимги шаҳар маданияти заминида ўзбек давлатчилигининг асосий омиллари ва пойдевори ётади. Шаҳарсозлик ва давлатчилик тарихи масалаларини ўрганиш зарурияти Республика Президенти И.А.Каримов томонидан маҳсус таъкидлаб ўтилди.

¹ Каримов И.А. Юсак маънавият-енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008.-Б.4.

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Тошкент: Ўзбекистон, 1998.- Б.25.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Мазкур битирув ишини ёзиш учун кўплаб адабиётлардан фойдаланилди. Тадқиқотнинг назарий асосини Президентимиз И.А.Каримовнинг асарлари ва мавзуга доир билдирган фикр ҳамда нутқлари ташкил этади³.

Хоразм воҳасининг моддий маданият тарихини ёритишда тадқиқотчи олимлардан: Толстов С. П.⁴, Ғуломов Я.Ғ⁵, А.Сагдуллаев, Кабиров Ж⁶, Х.Пўлатов⁷, Б.Эшовларнинг⁸ ишлари ўрганилди.

Илгариги давр тарихий адабиётларда кам ҳолларда «Ўрта Осиё цивилизацияси», «Турон-Мовароуннаҳр цивилизацияси» тушунчаси ишлатилар эди. «Ўзбекистон цивилизацияси» деган сўз эса умуман тилга олинмаган эди. Сўнгги йилларда турли шаҳарларни юбилейлари муносабати билан ўтказилган махсус илмий-тадқиқотлар ва янги кашфиётлар натижасида Ўрта Осиё урбанизацияси муаммоларига қизиқиш янада кучайди ва турли қадимги шаҳарларнинг тарихи ёритилди. Тўпланган илмий маълумотлар, фанга жорий этилган далиллар Ўрта Осиё шаҳарлари тарихини янги асосларда тадқиқ; этиш, илмий ёндашувлар ва концепцияларни умумлаштиришни долзарб вазифалардан бирига айлантирди.

Юртимизда илк шаҳарсозлик асосларининг пайдо бўлиши, шаклланиш босқичлари асосан ёзувсиз даврларга тўғри келади. Бу ўринда археологик маълумотларнинг аҳамияти ниҳоятда улкан бўлиб, илк шаҳарлар тарихини тадқиқ этишда, улардан асл манбалар сифатида фойдаланиш долзарбдир.

³ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т., «Ўзбекистон», 1992; Ўша муаллиф. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т., «Ўзбекистон», 1995; Ўша муаллиф. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. - Т., «Ўзбекистон», 1997; Ўша муаллиф. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. -Т., «Ўзбекистон», 1998; Ўша муаллиф. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т., «Шарқ», 1998; Ўша муаллиф. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т., Ўзбекистон, 1998; Ўша муаллиф. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. -Т: Ўзбекистон, 2011.

⁴ Толстов С. П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Т.: Фан. 1964

⁵ Ғуломов Я.Ғ Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Т., 1959

⁶ Кабиров Ж., Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. Т., 1990

⁷ Пўлатов. Х. Шаҳарсозлик тарихи. Т. 2008.

⁸ Эшов Б. Қадимги Ўрта Осиё шаҳарлари.-Т., 2006.

Машхур археолог олим Б.А.Рибаковнинг фикрича, археологиянинг тарихийлиги нафақат тарихнинг турли даврларидаги воқеаларни боғланиши ва изчиллигига қараб тасвирлабгина қолмасдан, балки қатор муҳим тарихий муаммолар: хўжалик тарихи, ижтимоий ривожланиш тарихи, дин ва санъат, этногенез ва қадимги қабилалар мигратсияси тарихи, давлатчиликнинг пайдо бўлиши масалалари, антик ёки ўрта асрлар шаҳарлари масалалари, савдотик тарихи, маданиятларнинг ўзаро алмашинуви каби масалаларни ўрганиш билан изоҳланади.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объектини Хоразм воҳасининг моддий маданият ёдгорликлари тарихини ўрганиш ташкил этади. Ишнинг предмети эса шу ҳудуддаги илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг тарихий тараққиёти ҳамда илк давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва у билан бевосита боғлиқ бўлган моддий ёдгорликларни ўрганиш масалалари ташкил қилади.

Ҳақиқатан ҳам, моддий маданият-тарихнинг энг қадимги босқичларини ўрганишда муҳим манба ҳисобланиб, жамиятнинг олға қараб ривожланиш хусусиятларини ва қонуниятларини кўп миқёсли турли-туман материаллар орқали очиб беришга имконият яратади. Айни пайтда, ҳақиқий тарихни очиб бериш мақсадида археологик манбаларни таҳлил қилиш ва қайта ишлаш талаб этилади. Ушбу услубий ёндашув тўлалигича шаҳар маданиятининг дастлабки босқичлари учун ҳам ҳосдир. Бу жараёни ўрганиш учун тарихий ва археологик ўрганиш услубларининг таҳлили ўтамуҳимдир. Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта асрлар шаҳарлари ва шаҳар манзилгоҳларининг ўрганилиш тарихи 100 йилдан зиёдроқ вақтни ўз ичига олади (бу жараён хазина изловчилар ва ҳаваскорлар қазилмаларидан бошланиб, кўп ҳолларда илмий услубга риоя қилинмаган). Бу даврда кўп сонли мақолалар ва тўпламлар, минтақанинг маълум вилоятлари (Парфия, Марғиёна, Хоразм, Бактрия, Сўгд, Фарғонава Чоч) шаҳар маданияти тарихига бағишланган монографиялар бўлимлари нашр юзини кўрди.

Ўрта Осиёда илк шаҳарларнинг тараққиёт босқичлари мавзуси бўйича бугунга қадар амалга оширилган тадқиқотлар орасида минтақада шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши тарихини тўла ҳолича камраб олувчи илмий тадқиқотлар жуда кам. Улар асосан алоҳида шаҳарлар ва тарихий-маданий вилоятлардаги шаҳарсозлик маданиятига бағишланган. Антик ва ўрта асрлар давриша ҳар лар тараққиёти ҳақида кўпдан-кўп ишлар амалга оширилган. Аммо минтақада илк шаҳарсозлик тарихи бутун минтақа миқёсида илмий тадқиқот сифатида етарли даражада ўрганилмаган.

Айниқса, қадимги шаҳарларнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий-сиёсий ва ҳудудий функциялари, уларнинг бир-бирига таъсири ва алоқадорлиги ҳақида ёритилган маълумотлар кам бўлиб, ушбу долзарб мавзу маҳсус таҳлилга муҳтож. Мавжуд манбалар ва маълумотлар қадимги шаҳарларни ишлаб чиқарнишнинг турли соҳалари марказлари, иқтисодий ва технологик янгиликлар масканлари сифатида чуқурроқ ўрганилишига имкон беради.

Қадимги шаҳарлар тарихини ўрганишнинг энг асосий хусусиятларидан яна бири шундаки, цивилизация билан боғлиқ бўлган янги шаҳарсозлик маданияти марказларининг турли ҳудудларда пайдо бўлиши ўзининг аҳамиятига кўра, жамият ривожланишининг ўзаро алоқалари ва умуммаданий анъаналарида ҳам кузатилади. Масаланинг кам ўрганилган ушбу жиҳатларини тадқиқ этиш муҳим вазифадир.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотдан кўзланган асосий мақсад ва вазифалар қуйидагилардан иборат:

- Хоразм воҳаси тарихида рўй берган маданий, ижтимоий- иқтисодий ва сиёсий жараёнларни, илк шаҳарлар тараққий этишининг асосий омиллари ва сабабларини замонавий ёндашувлар асосида аниқлаш,

- қадимги Хоразм воҳасида шаҳар маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи;

- «шаҳар» ни тарихий тушунча сифатида изоҳлаш ҳақидаги турли концепсиялар ва ёндашувларни кўриб чиқиш,

Ишнинг илмий янгилиги. Тадқиқотда қадимги Хоразм воҳаси моддий маданият ёдгорликлари тарихи археологик тадқиқотлар асосида ёритиб берилган. Ишда ушбу соҳа бўйича тадқиқот олиб борган археолог олимларнинг янги археологик тадқиқотлари санаб ўтилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Тадқиқотдаги материаллардан Хоразм воҳасининг шаҳарсозлик тарихига доир махсус курслар ташкил қилишда ҳамда амалий машғулотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг тузилиши. Битирув малакавий иш кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Иш 63 саҳифани ташкил этади.

I БОБ КАЛТАМИНОР МАДАНИЯТИ

Ўзбекистон тарихини ўрганишда ҳар бир давр муҳим хусусиятга эга. Қадимги Хоразм воҳаси тарихини археологик моддалар асосида ўрганида неолит даври ўзига хос аҳамият касб этади. Чунки, неолит даврида инсонларнинг яшаш шароитида улкан ўзгаришлар юз берган. Бу сўз «нео»-янги, «литос»-тош, яъни янги тош даври деган маънони беради. Бу давр узок

давом этган тош даврининг якунловчи босқичи бўлганлиги учун шу ном билан аталган. Бу тушунчани фанга инглиз археологи Д.Леббок 1865 йилда киритган. Ўрта Осиёда неолит даври хронологик жиҳатдан милоддан аввалги VI-IV минг йилликларни ўз ичига олади. Неолит Яқин Шарқда мил.авв. 8-7 минг йилликлар, Закавказеда мил.авв. 6-5 минг йилликлар, европада мил.авв. 7-1 минг йилликларда давом этган. Мезоамерикада мил.авв. 5-1,5 йилликдан - милодий 10-12 асрларгача давом этган. Австралия, Океаниянинг туб аҳолисида, Жанубий Американинг баъзи қабилаларида, Африкада, тропик Осиёнинг баъзи қисмларида бу маданият милодий 20 асрларгача ҳам сақланиб қолган⁹.

Неолит даврида жамиятлар ҳар хил тараққиёт даражаларида бўлганлар. Баъзи минтақаларда деҳқончилик ва чорвачилик вужудга келган, баъзи уруф жамоалар овчилик ва термачилик билан шуғулланганлар.

Неолит даврида ибтидоий қабилалар ўтроқ турмуш тарзига ўтганлар. Доимий эртўла, лой, гуваладан қурилган кулбаларда яшаганлар. Ўтроқ турмуш тарзи жанубий ҳудудларда деҳқончиликнинг келиб чиқишига, чўл минтақаларда эса, ўтроқ овчилик хўжалигининг қарор топишига олиб келган. Кейинчалик овчилик хўжалиги замирида чорвачилик пайдо бўлади.

Неолит даврининг энг катта ютуғи ҳам деҳқончилик ва чорва-чиликнинг вужудга келиши эди. Кўпчилик олимлар бу кашфиётнинг инсонлар ҳаётидаги аҳамиятини инобатга олиб, неолит даври инқилоби деб баҳо берадилар. Ибтидоий одамларнинг ўзлаштирувчи хўжаликдан ишлаб чиқарувчи хўжаликка ўтишди. Бу узоқ ва машаққатли давом этган жараён бўлган. Термачиликнинг замирида деҳқончилик ётган, овчиликнинг замирида эса, чорвачилик ётган. Тадқиқотчилар фикрича, деҳқончилик ва чорвачиликнинг пайдо бўлишига аёлларнинг меҳнати ва синчковлиги сабаб бўлган.

Неолит даврида тошни ишлаш техникасида янги усуллар силлиқлаш, пардозлаш, арралаш ва пармалаш усуллари ихтиро этилади. Бу ибтидоий

⁹ Ўзбекистон тарихи. А.Сагдуллаев, Б.Эшов таҳрири остида. – Т. Университет, 1997. –9 б

ишлаб чиқарувчи кучлани янада тезроқ ливожланишига олиб келди. Бу усуллар ҳамма қуролларга нисбатан ишланилмаган. Ўткир тиғ берувчи қуроллар яшашда кертма ва вниа услубидан фойдаланганлар.

Илк неолит даврида макролит қуроллар кенг тарқалган. Улар оғир ҳажмдаги чакмоқтошдан ишланган қуроллар бўлган. Қуроллар қимтош тахтада силлиқланган. Тош тахта таянч вазифасини ўтаган. Қумлар хўл кварс куми билан узоқ вақт ишқалаш жараёнида ишланган. Силлиқланган тош қуроллар неолит охирига келиб ишланган. Пармалашда суяк парма вазифасини бажарган. Суяк инани қалқон ипига ўраб айлантирганлар, унда суякнинг учига қум сепиб турилган. Пармаланган қуролга даста ўрнатиш мумкин бўлган.

Неолит даврида қуролларнинг тури кўпайган: тош болталар, ноннлар, тош тешалар, исканалар, оғир чўқморлар пайдо бўлган. Тош болталар неолит даврида барча оғир юмушларни бажарган. Тошнинг хўжаликдаги аҳамияти катта бўлган, шуни эътиборга олиб, олимлар бу даврни «болталар асри» деб аташни ҳам таклиф қилган¹⁰.

Неолит даври жамоаларида меҳнат қуролларини такомиллаштириш билан бир қаторда ҳунармандчиликнинг бир қатор тармоқлари кулолчилик, тўқувчилик, заргарлик каби соҳалари ихтиро қилинди.

Неолит даври ютуқларидан яна бири она уруғи доирасида жуфт оиланинг вужудга келиши бўлиб, у уруғ ичида оилавий муносабатларнинг изга тушишига олиб келди ва жамият тараққиётини янада олға силжишига сабаббўлган.

Ўрта Осиёда неолит даври жамоаси ривожланишининг 2 хил кўриниши мавжуд бўлган:

¹⁰ Ўзбекистон тарихи. Муаллифлар жамоаси. – Т. 2003. . – 15 б

1) Жанубий—ғарбий ҳудудларида, ҳозирги Туркменистоннинг Копетдоғ тоғи олди дарё хавзаларида илк деҳқончилик маданияти шаклланган.

2) Марказий ва шимолий ҳудудларида эса, неолит даври жамоалари овчилик ва балиқчилик ҳўжалиги билан шуғулланганлар. Минтақалараро ривожланишнинг ўзига хос жиҳатлари табиий-иқлим шароитидан келиб чиққан. Шунингдек, Ўрта Осиёда неолит даври ёдгорликларини бир неча йирик территориал ҳўжалик шаклларга ажратилган.

Масалан:

- 1) Жойтун маданияти.
- 2) Калтаминор маданияти.
- 3) Ҳисор маданияти.
- 4) Сазағон маданияти шулар жумласидандир¹¹.

Жойтун маданияти: Ўрта Осиёнинг жанубий-ғарбий ҳудудида илк деҳқончилик билан шуғулланган қабилалар ёдгорлигидир. Унинг излари фақат Туркменистоннинг жанубий-ғарбий ҳудудларидан топилган. Олимлар уни милoddан аввалги VI минг йилликлар охири V минг йилликлар бошларига оид деб ҳисоблашади. Уни Б.А.Куфтин, В.М.Массон, Д.Дурдиев, О.Бердиевлар тадқиқ қилган. Жойтун маданиятига Бами, Тўғолоқтепа, Чағиллитепа, Мунчоклитепа, Чўпонтепа, Жойтун, Найзатепа каби бир қатор ибтидоий деҳқонларнинг манзилгоҳлари киради. Жойтун қишлоғида уч қурилиш босқичи аниқланган. Унда уйлар тўртбурчак шаклида қурилиб, деворлари гуваладан ишланган ва сомон билан сувалган. Уйларнинг ёнида ҳўжалик хоналари, омборхона, сарой ва ўралар ҳам бўлган. Жойтун уйлари деворининг қалинлиги 30 см ни ташкил этган. Ҳар бир уйда (хонадонда) 5-6 кишидан иборат оила яшаган, деб тахмин қилинади. Ҳаммаси бўлиб,

¹¹ Рейимбаев,Ш. Хоразм шаҳарларининг архитектуравий-тарихий тизими. XIX аср охири XX аср боши. Т. 2002. -25 б

Жойтунда 30 га яқин уй-жой комплекслари бўлган, уларда 150-180 киши истиқомат қилган.

Уйнинг ички ўнг томонида катта тўғри бурчакли ўчоқ мавжуд бўлиб, у лойдан (гувала) қурилган. Тош қуроиллари асосан чақмоқтошдан ишланган. Призма ва конуссимон нуклеуслар кўплаб топилган. Геометрик шаклдаги микролитларнинг кенг тарқалиши. Жойтун маданиятининг муҳим хусусияти ҳисобланади. Улардан қадама тиғ сифатида фойдаланишган. Жойтунликлар кулолчилик буюмларини қўлда ясаганлар ва геометрик нақшлар билан безаганлар. Илк Жойтун маданиятида безакли сопол идишлар кам учрайди. Безакли идишлар кўпроқ қизил ранг билан ишланган. Илк Жойтун сопол идишларида тўлқинсимон чизиқлар учраса, сўнгги Жойтун сопол идишларида тўрсимон чизиқлар асосий ўринни эгаллайди.

Бу ердан ҳайвон ва одам гавдаси тасвирланган ҳайкалчалар, мунчоқ, шахмат доналари топилган. Ҳайкалчалардан кўпроқ эчки, қўй ҳайкаллари учрайди. Ҳайкалчалар уруғнинг сиғинадиган буюми деб тахмин қилинади.

Чўпонтепа қишлоғидан бир неча қабрлар топиб ўрганилган. Қабрлардан ғужанак ҳолда ён томонига ётқизилган ва устига қизил охра сепилган одамларнинг суяклари топилган. Бу қабрлар неолитнинг энг сўнгги босқичига тегишлидир. Жойтун маданияти ёдгорликларидан топилган моддий манбалар уларнинг деҳқончилик билан бирга, чорвачилик, овчилик билан ҳам шуғулланиб, ўз даврининг катта ютуқларини қўлга киритганлигини кўрсатди.

Ҳисор маданияти: Тоғли минтақаларда яшаб, асосан ҳайвон овчилиги билан шуғуллаган қабилалар маданиятидир. У Тожикистоннинг тоғли минтақаларида кенг тарқалган. Уларнинг излари 300 дан ортиқ жойдан топилган. Бу маданиятга оид дастлабки ёдгорлик Душанбе шаҳри яқинидаги Ҳисор водийсидан топилганлиги сабабли Ҳисор маданияти номини олган.

Ҳисор маданиятининг ҳарактерли томони, унинг аҳолиси қайроқтош тош қурулларига ўзига хос ишлов беришган. Унинг ишланиш услуби ўрта палеолит давридагига ўхшайди. Сопол идишлар қўлда ишланиб, геометрик

нақш берилган. Археологлар Тутковул маконидан ярим эртўла шаклдаги уй қолдиғини ва 4 та қабри топиб ўрганганлар. Жасадлар ғужанак ҳолда ётқизилиб оёқ-қўллари боғланган ҳолда қўмилган. Бу мазорлар Ҳисор маданиятининг сўнгги босқичига тегишлидир. Худди шу даврда Ўрта Осиёнинг шимолий ва марказий ҳудудларида овчилик, балиқчилик ва термачилик билан шуғулланган неолит даври жамоалари истиқомат қилганлар. Бундай ёдгорлик XX асрнинг 30-40 йилларида С.П.Толстов томонидан¹²

Амударёнинг қуйи ҳавзасида топилган ва фанга Калтаминор маданияти номи билан киритилган. Ёдгорлик Амударёнинг Оқчадарё ўзанидан чиққан қадимги Калтаминор канали этакларидан топилгани учун шу ном берилган.

Калтаминор маданияти Ўрта Осиёнинг ғарбий ва шимоли-ғарбий томонидаги ерларида кенг тарқалган. Унинг шимоли-ғарбий чегараси Урал дарёсининг ўрта ва қуйи оқимларигача, ғарбий чегараси Каспий денгизигача бориб тақалган. Жанубда Қорақум ва Қизилқум этакларигача, шарқда эса, Орол денгизининг шимолий, шарқий ва жанубий томонидаги қуйи Сирдарёгача бориб тақалади. Қизилқум ва Устюртнинг катта территориясида ҳам Калтаминор маданияти анча кенг тарқалган.

Калтаминор маданиятини ўрганиш жараёнида олимлар унинг ривожланиш босқичларини аниқладилар.

- 1) Дарёлисой (мил.авв. VI-IV минг йилликларга оид),
- 2) Жонбос (мил.авв. IV—III минг йилликларга оид),
- 3) Саксовул (мил.авв. III минг йиллик охири -II минг йиллик бошларига оид).

¹² Толстов С.П. Древний Хорезм. Опыт историко- археологического исследования. М. 1948. -35 стр.

Оқчадарё ҳавзасидан кўплаб Калтаминор маданиятига оид ёдгорликлар топилган. Уларнинг 3-4 та манзилгоҳининг маданий қатлами бузилмасдан сақланиб қолган.

Булар: 1) Жонбас-4, 2) Қават-7, 3) Толстов манзилгоҳи, 4) Тумек кичик қабристониدير.

Дарёлисой ёдгорликлари қадимги Зарафшон дарёсининг энг қадимги ўзанлардан бири Дарёлисой бўйларида топилган маконлар ҳисобланади. Дарёлисой соҳилларида илк неолит даврига оид қирғичлар, тарашлагичлар, парақалар ва трапетсиялар топилган. Бу эрдан бошқа жойларга хос бўлмаган ўзига хос шохдор трапетсиялар топилди. Макондан нақшли содда сопол идишларининг парчалари ҳам топилган. Неолит даври одамлари дарё соҳилида макон қилиб, балиқчилик, овчилик билан шуғулланганлар¹³.

Неолит даври ёдгорликлари Қизилқумнинг Чинкелди, эчкилисой, Хўжа Гумбаз, Қорақат деган жойлардан ҳам топилган. У жойлардан топилган археологик манбалар Дарёлисой топилмаларига ўхшаш бўлганлиги сабабли уни Дарёлисой типига илк неолит даври ёдгорликлари қаторига киритадилар.

Жонбас-4. Макони Оқчадарё қирғоқларидан топилган. Уни С.П.Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археологик экспедицияси аъзолари ўрганган. Макондан чақмоқтошдан ясалган меҳнат қуроллари, сопол парчалари, ҳайвон ва балиқ суяклари билан бирга катта чайла қолдиғи ҳам топилган. Чайлада неолит даврида ёнғин бўлганлиги аниқланган. У қалин лойқа остида қолган. Чайла ярим эртўла шаклида бўлиб, унинг майдони 290кв.м (24м х 17м) бўлган. У ёғоч устун, синчлар билан кўтарилган. Унинг томига кўндаланг ёғочлар ташланиб, усти қамиш билан ёпилган. Чайла сатҳининг кўп жойларидан катта-кичик чуқурчалар топилган. Бу устун ва синчлар ўрнатилган чуқурчалар бўлган. Чайла ўртасида катта марказий ўчоқ қолдиғи,

¹³ Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. Ташкент. 1957. -44 стр

унинг атрофларидан эса, 100 га яқин майда ўчоқлар қолдиғи, чайла атрофидан эса кул, куйган қамиш ва ёғоч қолдиқлари топилган. С.П.Толстов хисобига кўра. бу эрда 120-125 одам яшаган. Жонбос-4 катта уруғ жамоанинг макони бўлган.

Жонбос-4 маконидан сўнгги неолит даврига хос нуклеуслар, найза пайконлари, кирғич, ўқ учлари ва тош қуроллар топилган. Маконнинг маданий қатламидан балиқ, ёвойи чўчка, кирғовул, ўрдак, ғоз тухумлари пўчоқлари, жийда данаклари ҳам топилган. Топилган суякларнинг 86% балиқларнинг суяклари бўлиб чиққан. У эрдан сопол идишларнинг парчалари ҳам топилган бўлиб, улар тухумсимон шаклда, ости ясси бўлиб, сопол идишларнинг сирти илон изи, арча барги сингари, ромбик, учбурчак, тўлқинсимон геометрик нақшлар берилган. Калтаминорликлар сопол идишларини ўзига хос тарзда ясаганлар. Улар қопга ўхшаш нарсаларга қум солиб, атрофини лой билан шуваб чиққанлар ва қуритилган. Кейин эр тандирга ўхшаш хумдонга бир нечтаси теришиб, олов ёқилган ва хумдон оғзи бекитилган. Катта ҳароратда олов ёниб, идиш ичида из қолдирган. Шу сабаб сопол буюмлари тухумсимон шаклда бўлган, лекин идиш ичи пишмасдан қолган. Сопол лойига янтоқ ёки қамишнинг тоза кули солинган. Сопол қозонларга эса майдаланган тошлар қўшилган.

Жонбос-4 атрофидаги тақирлардан неолит даврига оид иккита қабр топилган. Мархумлар ғужанак ҳолда, яъни оёқ-қўлларини букиб, кўмилган. Қабрларнинг ҳар хил жойларидан турли тақинчоқлар, чакмоқтош қуроллар, сопол идишлар синиқлари ва қизил бўёқ қолдиқлари топилган. Бу топилмалар калтаминор маданиятига хос эди.

Толстов манзилгоҳини. А.В.Виноградов Жонбос-4 маконига яқин жойдан топган ва устози С.П.Толстов шарафига «Толстов манзилгоҳи» номини берган. Тадқиқотлар натижасида маконнинг ривожланган неолит даврига тўғри келиши ва мил.авв. IV-минг йилликларга оид эканлиги аниқланди. Макондан иккита хона қолдиғи топилган бўлиб, улардан бирининг майдони 120 кв.м. Хонанинг конуссимон томи аввал қамиш, сўнггра

дарахт қобиғи билан ёпилган. Хонадан устун қолдиқлари ва ўчоқ излари аниқланди. Макондан чақмоқтошдан ишланган микролит қуроллар, камон ўк учлари, турли хил суяк қуроллар, гарпунлар, қармоқлар, игнасимон учли қуроллар, игналар, силлиқланиб ишланган болтачалар, тош ва сополларни силлиқлайдиган асбоблар, чиғаноқлардан, парранда суяклари ва феруза тошдан ясалган тақинчоқлар топилган. Шунингдек, қора-қизғиш ва оқ рангдаги бўёқлар билан бўялган турли нақшлар билан безатилган сопол буюмларнинг парчалари топилган. Толстов манзилгоҳидаги тош қуролларнинг Дарвозақир I, II ва Катта Тузкон маконларидаги қуроллар билан ўхшаш томонлари аниқланган. Толстов манзилгоҳидан топилган ашёлар Калтаминор маданиятининг ўзига хос хусусиятларини янада ойдинлаштирди¹⁴.

Жумладан, Калтаминор хўжалигининг асосини балиқчилик ташкил қилган. Балиқ овида тўрдан, суяк гарпунлардан, тош санчқидан ва қармоқлардан кенг фойдаланганлар. Уларнинг намуналари Калтаминор маданияти ёдгорликларида кўплаб учрайди. Хўжаликда ҳайвон ови ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Улар асосан, ёввойи чўчқа, бухоро оҳуси, жайрон, қулон, сайғоқ ва бошқа ҳайвонларни овлаганлар. Овда улар ўқ-ёйдан кенг фойдаланганлар. Хўжаликда пардозланган тош болталар ва тешалардан фойдаланишган. Аҳолиси тўқимачилик билан ҳам шуғулланиб, ўзлари учун кийим-кечак ва балиқлар учун тўр тўқишган. Хўжалигининг учинчи тармоғи термачилик бўлган. Ёдгорликларда ёввойи жийда данаги кўплаб топилган. Сирдарёнинг пастки оқимида сўнгги неолит даврига оид кўпгина маконлар тадқиқ қилинди. Шулардан Саксовул ва Шулкум қароргоҳларидан катта материал олинган. Бу ердаги ибтидоий жамоалар кўпинча қирғиш қуролларини тош синиқларидан ясаганлар. Сопол идишларнинг турли шакллари мавжуд. Улар тухумсимон шаклда бўлиб, таги текис ишланган ва қисман нақшланган.

¹⁴ Толстов С. П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Т.: Фан. 1964. 44 б

Калтаминор маданиятининг ижтимоий ривожланишида матриархат даври бўлиб, жуфт оилалар шакллаган эди. Бундан Жонбос-4 маконидан топилган 100 га яқин майда ўчоқлар дарак беради. Шунингдек, калтаминорликлар ўз фаолиятларида табиатга бутунлай қарам эдилар. Улар яшаш жойлари, кулбаларини дарё ва кўл бўйларида қурганлар. Дарёлар ўз ўзанини ўзгартириши билан улар ҳам ўз манзилгоҳларини ўзгартирганлар. Ҳозирги кунда Калтаминор маданияти излари Сирдарёнинг қуйи оқими, Қизилқумнинг ички ҳудудлари ва Зарафшоннинг қуйи ҳавзаларида топилган.

Тумек-кичик қабристони. Сўнги неолит даврига оид муҳим ёдгорлик бўлиб, у 1972 йилда Амударёнинг қуйи оқимидан топилган. У эрда тадқиқотлар 1973-1974 йилларда олиб борилди. Қазилмалар вақтида 27 та қабр очиб ўрганилди. Қабрга дафн этилганлар чалқанчасига ётқизилган, бошлари эса, асосан, шимоли-шарққа қаратиб қўйилган ва кийим бошлари билан қўмилган. Склетлар устида тақинчоқлар сақланиб қолган. Тош қуроллар ва сопол буюмларнинг парчалари қўйилган. Қабрдаги суякларда қизил ранг излари мавжуд. Бу уларнинг диний эътиқодлари билан боғлиқ бўлган. Тадқиқотлар натижасида неолит даврида Зарафшон дарёсининг бешта тармоғи Амударёга қўшилганлиги аниқланди. Мазкур тармоқлар Қизилқум ҳудудида катта, кичик кўллами ҳосил қилган. Зарафшон дарёсининг йирик тармоғи Мохандарё бўлиб, унинг ҳам оқимида коьллар шаклланган. Бугунги кунда улар шўрланиб, халқ орасида Катта тузкон, Кичик тузкон деб аталиб келинади. Шу қадимги кўл ёқаларида неолит даври аҳолиси истеъжомат қилган. 1950 йилларда Я.Ғ.Ғуломов Мохандарё бўйлаб археологик қидирув ишларини олиб борди. 1960 йилларда эса бу ҳудудда А.Асқаров билан Ў.Исломовлар тадқиқот ишларини олиб бориб, 100 дан ортиқ неолит даври манзилгоҳларини топдилар. Улар бир-бирига жуда яқин масофада жойлашган. Бу жойлардан қирғичлар, пичоқлар, ўроқ-рандалар, найза учлари, ўроқлар, парма, тешкичлар, ёрғучоқ, қайроқтош, болта ва бошқа буюмлар топилган. Тош қуроллардан ташқари бу эрдан, тақинчоқлар, мунчоқлар, сопол идишлари топилган. Сопол идишларнинг катта-

кичиклиги, беаги ҳар хил бўлиб, оғзи кенгрок, ости думалоқ шаклда бўлган. Лекин бу эрда суякдан қуроллар топилмаган. Унинг кўплари мавсумий манзилгоҳлар бўлиб, маданий қатламлар этарли сақланиб қолмаган. Фақатгина Дарвозақир манзилгоҳида маданий қатлам яхши сақланган. Дарвозақир И макони Бухоро вилоятининг Қоракўл шаҳарчасидан 40-45 км шимоли-ғарбидаги Катта Тузкон кўлидан 600-700 метр масофада жойлашган. У эрда 3та маданий қатлам топилган бўлиб, юқори қатлами бузилиб кетган. Лекин ундан анча бой материаллар тош меҳнат қуроллари силлиқланган тош болталар, қирғич, тешгич, ўроқ-ранда, парма топилган. Иккинчи қатламдан эса гулхан қолдиқлари ва оз миқдорда қуроллар топилган. Учинчи қатламдан эса, ўчоқлар ва турар жой қолдиқлари, силлиқланган тош болта, бошқа хил тош қуроллар, тўлқинли чизиклар билан безатилган сопол буюмлар ва ҳайвон суяклари қолдиқлари топилган¹⁵. Дарвозақир маданий ёдгорликларига ўхшаш буюмлар Қашқадарёнинг куйи оқимидан Қумсултон ва Пойкент пасттекисликларидан ҳам топилган. Пойкент маконларидан тош болта, қирғич, тешкич, ўроқ қадамалар ва сопол идишларнинг синиқлари топилган. Тадқиқот натижасида уларнинг мил.авв. IV—III минг йилликларга мансублиги аниқланди.

Тош қадимда инсон ҳаётида муҳим рол ўйнаган табиий материал бўлган. Чунки қадимги одам тош ёрдамида ов қилган, меҳнат қуроли ясаган, бир сўз билан у хужалик асбобларининг асосий қисмини ташкил қилган. Шунинг учун ҳам инсоният тарихининг дастлабки ва асосий боскичлари (палеолит, мезолит ва неолит) тош даври деб номланган. Бу катта тарихий давр меҳнат қуролини тошдан бошқа материалдан ясай олгунча, яъни инсон ҳаётига илк металлларнинг кириб келишига қадар давом этган. Биз ушбу мақолада урганаётган давр тош даврининг бир боскичи бўлиб, у неолит, яъни лотинча янги тош даври деган маънони билдиради. Ўзбекистан ҳудудида бу давр

¹⁵ Фуломов Я.Ғ. Қадимги маданиятимиз илдизлари. Т.: Фан.

санаси янги маълумотларга кўра мил. авв. VII-IV минг йилликлар деб аниқланган. Бунга мисол қилиб Қизилқум чўлидаги Оёқғитма ёдгорлигининг энг қуйи қатламларидан олинган 60 га яқин кул ва суяк қолдиқларини олишимиз мумкин. Мазкур артефактлар АРТЕМИС 1) Лабораториясида замонавий техник усуллардан фойдаланиб аниқланган. Хусусан, радикарбон (C14) усули натижалари ёрдамидаги топилмаларнинг аниқланган санаси миллоддан авалги 6 300 йилга тенг бўлмоқда. Бу даврга келиб одам тошга ишлов беришнинг янги усулларини ўзлаштириб, хажми жихатидан жуда майда (микролит) бўлган ўткир тўғли меҳнат ва ов қуроллари ясай бошлаган. Тошдан қурол яшашда тошнинг сифати муҳим рол ўйнагани учун қадимги одам энди сифатли тоштанлаш билан биргаликда, тошни силликлаш, пармалаб тешиш сингари янги технологияларни ҳам кашф этган. Майда тош қуроллари (микролитлар дейилади) эса кундалик турмушда кўпроқ ишлатила бошлаган. Энг муҳими, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг хужалик асослари, жумладан, дастлабки деҳқончилик ва чорвачилик вужудга келган. Бу шубҳасиз, ибтидоий тузум, жамоалар кундалик турмуш тарзи, ҳуллас, ижтимоий-иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларида кескин ўзгаришларга олиб келган. Шунинг учун ҳам неолит даврини кўп олимлар "цивилизациялар бошланиши даври" деб ҳам аташади. Чунки бу даврга келиб ибтидоий санъат, уйсозлик ва хўжалик соҳасида кўпгина ихтиролар қилинади. Мисол учун, лойни оловда пишириш билан сопол идишнинг илк шакллари кашф қилинади ва ушбу кашфиёт инсоният тарихида катта аҳамият касб этади.

Бу даврда олдинги тараққиёт босқичларига қараганда янги, инсон яшаши учун қулай ҳудудларни ўзлаштириш жараёни тезлашиб, аҳоли тобора кенгроқ минтақаларда яшай бошлаган. Тадқиқотлар кўрсатишича, ватанимиз ҳудудида неолит даврида одамзод яшаши учун қулай экологик муҳит мавжудлигидан жануби-ғарбий Устюрт, Қизилқум ички ҳудудлари, Марказий Фарғона, Зарафшон ва Амударё қуйи этаклари неолит жамоалар томонидан деярли ўзлаштириб бўлинган. Бу ҳислат уларни турмуш тарзини

мазкур жараёнга мослаштиришга мажбур этган. Бу ўзгариш турли неолит маданиятларининг ўзига хос маҳаллий хусусиятларида ифодасини топган.

Ўзбекистан ҳудудида неолит даври ёдгорликлари ҳам кўп йиллардан бери Ўзбекистонлик ва хорижлик олимлар томонидан ўрганиб келинмоқда. Жумладан, неолит даврига оид Калтаминор, Марказий Фарғона, Сазогон каби тарихий маданий жамоаларнинг турмуш тарзи хусусиятлари мамлакатимиз ҳудудида ўрганилмоқда. Ўрта Осиё икки дарё оралиғи ҳудудларидаги овчи ва баликчи жамоалари маданияти ҳисобланган Калтаминор маданияти нафакат Амударё қуйи оқими, балки Оқчадарё хавзаси, Қизилқумнинг ички ҳудудлари (Лавлакон), Қуйи Зарафшон қадимий ўзанлари (Мохандарё, эчкилисой, Оёқағитма, Дарёсой - шимолий, Чорбақти (ўрта ўзан) ҳамда Қуйи Амударё сул соҳили Узбой, Сарикамиш, шунингдек, Устюрт, шимоли-шарқий Оролбуйи, Жанубий Қозоғистон ҳудудларига ҳам тарқалганлиги археологик тадқиқотлар туфайли аниқланган (Виноградов, 1972). Хусусан, 1939 йили С.П.Толстов томонидан Амударё қуйи оқими бўйлаб Оқчадарё хавзасида Жонбос-4 ёдгорлигининг очилиши билан бу маданиятнинг ўрганилиши бошланган эди (Толстов, 1948). Кейинчалик шимоли-шарқий Оролбуйи, Оқчадарёда тадқиқот ишлари давом эттирилиб, Калтаминор маданиятига дойир 100 дан ортиқ ёдгорликлар аниқланган ва тадқиқ этилган (Толстов, 1962; Виноградов, 1968)¹⁶.

1965 йилдан эътиборан Калтаминор маданияти мажмуасига қирувчи ёдгорликларни ўрганишда янги босқич бошланди ва 1965-1972, 1975, 1978 йиллар мобайнида комплекс тадқиқот ишлари Қизилқум ички ҳудудларида олиб борилди (Виноградов, Мамедов, 1975).

Ҳозирги кунда қуйи Зарафшон воҳасидаги 3 та қадимий ўзанларида аниқланган неолит даври моддий маданиятини ўрганишда Ўзбекистан

¹⁶ Толстов С.П. По сделам древне хорезмийской цивилизации. М. 1948. 44 стр

археологик экспедитсияси отряди, Мохандарё экспедицияси, Хоразм комплекс археологик экспедитсияси Қизилқум отряди, Ўзбекистан

МУ геоморфологик отряди, Самарканд давлат Университетининг Қуйи Зарафшон археологик экспедитсияси, Ўзбек-Франсуз қўшма археологик экспедитсиялари тадқиқотлари натижалари муҳим бўлди (Гулямов, Аскарлов, Исламов, 1966; Виноградов, Мамедов, 1975).

Қалтаминор тарихий-маданий жамоаларининг асосий таянч, маданий қатламлари бузилмай яхши сақланган археологик ёдгорликларига

- 1) Жонбос-4.
- 2) Толстов.
- 3) Учаши 131.
- 4) Лавлакан-26.
- 5) Дорба-закир 1, 2 каби маконлар киради.

Зарафшон қадимги шимолий ўзанининг таркибий қисми ҳисобланувчи Оёқогитма хавзаси шарқий қисмида жойлашган бўлиб, 1995 йили Ўзбек-Польша халқаро қўшма экспедитсияси томонидан аниқланган. 2005 йилдан бошлаб Ўзбек-Франсуз (МАФАНАС) халқаро қўшма экспедитсияси томонидан ўрганиб келинмоқда. Макон учта маданий қатламдан иборат ва ундан 50 мингдан ортиқ ашёвий далиллар (асосан тош қуроллар), яна ўчоқ қолдиқлари, фауна ва флора қолдиқлари топишган. Бу ёдгорлик ҳам Қалтаминор жамоалари маданиятига мансуб (Хўжаназаров, Шумчак, 1995). Сўнгги йиллардаги, археологик тадқиқотлар асосида Қуйи Зарафшон воҳаси неолит ёдгорликларини хронологик жиҳатдан қуйидаги уч босқичга бўлиш мумкин:

1). Илк босқич: мил. ав. VII-V минг йилликнинг 1-ярми, Учаши-131 ҳамда Дарёсой ва Гарбий Оёқогитма атрофидаги бир қатар ёдгорликлари.

2). Ўрта босқич: мил. ав. V-минг йиллик охири-IV минг йиллик Дарвазакир 1,2; Мохандарё ҳамда Чорбақти воҳаси ёдгорликлари.

3). Сўнгги босқич: мил. ав. IV минг йил охири - III минг йиллик

Шаркий Оёқағитма ҳамда Мохандарё атрофидаги бир қатор ёдгорликлар.

А. В. Виноградов Калтаминор ёдгорликлари моддий маданиятини атрофлича ўрганиб, бу маданиятни хронологик жihatдан қуйидаги 3 та тадқиқот босқичига бўлади:

1). Дарёсой босқичи илк неолит мил. ав VII мингйиллик охири-V минг йиллик ўрталари (Учаши - 131, 29, 84, 85, 159, Хўжагумбаз-5, Оёқағитма 322, Қарақата 23);

2). Жонбос босқичи ривожланган неолит мил. ав. V-минг йиллик охири-V минг йиллик ўрталари (Жонбос-4, Толстов макони, Лавлакан-26, Дорбазакир-1, 2 Оёқағитма ёдгорликлари);

3). Сўнгги неолит босқичи мил. ав. IV-мингйиллик охири-III минг йиллик (Шаркий Оёқағитма, Мохандарё ёдгорликлари).

Юқорида зикр этилган тадқиқотлар асосида топилган археологик ашёвий далиллар Калтаминор жамоалари моддий маданиятининг асосий хусусиятларини белгилайди. Хусусан, Калтаминор тарихий-маданий жамоалари тош индустрияси аслида микропаракали индустриядир. Геометрик шаклдаги (трапеция, параллелограмма, учбурчак, сегмент) қуроллар ҳам сезиларли. Шунингдек, қирғичлар, тешғичлар, санчкилар, ўқ-ёй пайконлари, суяк қуроллар ҳам моддий маданиятни белгилашда муҳим омилардандир. Калтаминорликларнинг сопол буюмлари (барча сопол буюмлар қулда ясалган ва бунда маҳаллий тупроқлардан фойдаланилган), юқорида Учаши-131 сополлари жойтунликлар сополлари билан бир қаторда, Ўрта Осиё миқёсида энг дастлабки сополлар бўлганлиги борасида сўз борган эди. Калтаминорликларнинг кейинги тараққиёт босқичлари сопол буюмлари жойтунликлар сополдан фарқли ўлароқ нақшлар чизилмасдан, балки кесма ёки муҳр услубда ҳар хил геометрик шаклда амалга оширилган. Бу нақшлар

сопол пиширилгунга қадар юмшоқ лойга ботириб туширилган. Идишларнинг таг қисми тухумсимон ёки овал шаклда бўлган¹⁷.

Калтаминор жамоаларининг тирикчилик асослари ўзлаштирма хужалик, яъни термачилик, овчилик ва баликчиликдан иборат бўлган.

Калтаминор тарихий-маданий жамоалари қўшни минтакалардаги ўхшаш маданият жамоалари билан яқиндан ўзаро маданий алоқадорликда бўлгани тадқиқотлар жараёнида аниқланган. Бу алоқадорликлар уларнинг моддий маданияти, хусусан, меҳнат қуроллари, сопол буюмлари, турар жойлари, дафн маросимлари, хужалик асослари каби жиҳатларда намоён бўлади. Жумладан, С.П.Толстов ва А.В.Виноградов уз тадқиқотларида калтаминорликларнинг микролит тош қуролларга ишлов бериш услублари, сопол идишлар шакллари ва нақшлари (геометрик, тулқинсимон) ни асос қилиб олган ҳолда қўшни Шарқий Каспий бўйи (Жебел, Дам-дам-чашма 1,2), Жанубий Туркменистон Копеттоғ этаги Жойтун маданияти, шунингдек, Олд Осиё, эрон, Ирок ҳудудлари жамоалари билан маданий алоқада бўлганларини таъкидлаб ўтадилар.

Олимлар ўртасида Калтаминор маданиятининг келиб чиқиши масаласида яқдиллик йўқ. Жойтун, Калтаминор ва Жебел туридаги Каспийбўйи неолит даври маданиятлари илдизи ягона бўлиб, бу жараёнда Яқин Шарқ жамоалари муҳим рўл ўйнагани ҳақидаги илмий ҳулоса ҳам бор (Виноградов, 1981).

Тўғри, А.В.Виноградов Каспий бўйи мезолитнинг Калтаминор маданияти шаклланишидаги ўрнини инкор этмагани ҳолда, бу етарли манба бўла олмаслигини таъкидлаган.

Фикримизча, Калтаминор маданияти шаклланишида Шарқий Каспий-бўйи сўнгги палеолит, мезолит ёдгорликлари, қолаверса, сўнгги тадқиқотларга асосланган ҳолда Зарафшон воҳасида, хусусан, Қизилқумда

¹⁷ Асқаров А.А. Ўзбекистон тарихи. Тошкент. 1994. -44 б.

топилган қатор палеолит ва мезолит ёдгорликлари каби маҳаллий маданият илдиэларини ҳам унутмаслик лозим.

II БОБ. БРОНЗА ДАВРИДА ХОРАЗМ

Ўрта асрлар шаҳарсозлиги бир қанча ўзига хосликларга эга. Бу ўзига хосликлар қадимги шаҳарсозлик билан қиёс қилинганда яққолроқ намоён бўлади. Қадимги даврда аксари шаҳарлар марказлашган ҳокимиятлар — қудратли давлатлар эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда барпо бўлар эди. Ўрта асрлардаги, айниқса, илк ўрта асрларда ҳокимиятлар тасарруфи, асосан, майда ҳудудлар билан чекланган. Марказий ҳокимият қадимги даврга қараганда заиф эди. Бу эса ўрта асрларда Шарқда деҳқонлар (Ғарбда-феодаллар) таянч бўлган қалъалар (кўшқлар, замоклар) қурилиши шаҳарлар қурилишига қараганда аҳамиятлироқ бўлиб қолишга олиб келди. Айни вақтда қадимги даврда марказий ҳокимиятларнинг сустрлашган чоғлари бўлгани каби ўрта асрларда ҳам марказий ҳокимиятларнинг куч-қудратга тўлган чоғлари ҳам бўлган. Табиийки, бундай жараёнлар ўрта аср шаҳарсозлигида ҳам турли кўринишларда ўз аксини топган. Қадимги шаҳарсозликда шаҳарлар қисқа вақтда бунёд этилиб, кўпроқ тархи тўғри тўртбурчак шаклига эга, кўчалари тўрсифат ўтказилиб, шаҳар ҳудуди катаклажга бўлинар эди. Ўрта асрлардаги шаҳарлар кўпроқ узок вақт-асрлар мобойнида бунёд этилиб шаҳарлар тархи доира шаклини, асосий кўчалари эса радиал-ҳалқа кўринишни олар эди.

Ўрта асрлар шаҳарларида ҳам башарнинг, умуман тамаддуни (сивилизацияси)да бўлгани каби динларнинг тарқалиши катта таъсирга эга бўлган. Яқин ва Ўрта Шарқда, хусусан, Ўрта Осиёда ислом динини

тарқалиши шаҳарсозликка кириб келган бир қача жиҳатлар орқали намоён бўлади. Бу жиҳатлар Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласи қарор топган вақтдаги шаҳарсозликда ҳам кўринади. Ҳиндистоннинг жанубий қисмида ва Хитойдаги шаҳарсозликда қадимги даврда вужудга келган анъаналар давом эттирилди. Қадимги Рим империясининг негизида пайдо бўлган давлатларда-Ғарбий Рим империясида (Европа мамлакатларида) ва Шарқий Рим империяси (Византияда) шаҳарсозлик анъаналарига турлича қарашлар мавжуд эди. Анъаналар Византия давлатида бевосита давом эттирилган бир вақтда, Ғарбий Европа мамлакатларида улар унитилаёзган эди. Романика ва готика даврлари (X—XV асрлар)да янгича шаҳарсозлик бунёд этилди. Киев давлатининг ва ўрта асрлардаги Русиянинг шаҳарсозлиги Византия анъаналарини давом эттиришга ҳаракат қилди¹⁸.

Яқин ва Ўрта Шарқнинг ўрта асрлардаги шаҳарсозлигига хос бўлган жиҳатлар уммавийлар ва аббосийлар даврлариданоқ шаклланиб бўлди. Уммавийлар пойтахти Дамашқ эди. Шаҳарнинг маркази бозор бўлиб, у девор билан ихоталанган майдонни (385x305 м) қамраб олган эди. Майдонда 708-йилда халифа ал-Волид томонлари 157x100,0 м бўлган Катта масжид қурдирди. Масжид майдонининг деярли ярмини ҳовли эгаллаган. Катта масжид Ўрта ер денгизи атрофидаги бошқа масжидлар меъморчилигига катта таъсир кўрсатган.

Иорданиядаги VIII асрда Оммон шаҳри жанубида 25 км масофада Мшатта саройи (150x150 м) қурилган. Унинг меъморлигида Рим, Византия ва сосонийлар давридаги анъаналар бирикиб кетган — киравериш ва уч нефли арзхона, унинг орқасидаги гумбазли зал саройининг ўрта қисмини эгаллаган. Арзхонанинг ҳовли тарзини талқин этилиши уч равоқли Рим зафар дарвозаларни эслатади.

¹⁸ Ахмедов.М. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. Т. 1995. .48. стр

Фротнинг ўнг қирғоғидаги Кўфа шаҳридаги Дорул-Имора саройи да ҳам арзхона Мшаттадаги каби уч нефли бўлган Ортидаги нажм гумбазли шаклга эга бўлган. Маркаиив ҳовлида ҳам бўйлама ва кўндалангига кетган композитсион ўкни белгилаш мумкин. Бу усул кейинчалик кенг тарқалди.

Аббосийларнинг энг ривожланган босқичи дастлаб ҳукмронлик қилган халифа Мансур, Хорун ар-Рашид ва Маъмун луикмронлиги даврига тўғри келади. Хоразмдаги Маъмун академияси (Дор ул-Ҳикма) фаолияти жаҳон марказларидан бўлганлигини таъкидлайди.

VI—VII асрларда (аввалги даврдагидек) деҳқончилик воҳалари кўчманчи чорвадорлар чулларида деворлар билан муҳофаза қилинган эди. Айни вақтда VII асрда Ўрта Осиё давлатлари жадал суръатларда эрон ва Хитой билан савдо олиб борган. Суғд эса VI асрдан бошлаб Еттисувни колонизатсия қилди, унинг миқёси VII асрда Шарқий Туркистонни ҳам қамраб олган эди.

IX—XIII асрлар шаҳарсозлигида аввалги, ўтмиш даврлардан қолган воҳалар (шаҳарлар ва қишлоқлар)ни муҳофаза қилиш мақсадида қурилган кўрғон деворлар таъмирланди ва қайтадан тикланди. Улар узоққа чўзилгани боис узун деворлар номи билан аталади. Узун деворлар ўз номларига эга бўлишган. Тошкент ва Чирчиқ бўйидаги бошқа шаҳар ва қишлоқларни Девори канти пирак ёки қисқача — Кампир девор (бузилган шаклда-Кампир девор) муҳофаза қилар эди. Бундай ном бошқа жойларда ҳам (масалан, Бухоро атро-фидаги девор учун) қўлланилган. Самарқанд ва унинг атрофлардаги кент ва қишлоқларни Девори қиёмат мудофаа қилган.

Ўрта асрларда шаҳарлар тўғрисидаги тушунча бир хил бўлмаган. Географлар Ал-Истахрий ва Ал-Макдисий жомеъ масжидини шаҳар белгиси деб ҳисоблаганлар. «Худуд-ул-олам» асарида номаълум муаллиф қуйидаги турлардаги шаҳарларни келтиради: катта шаҳар (Марв), шаҳар (Серахс, Ниса) ва яна икки турдаги шаҳарлар — кичик шаҳар, шаҳарча, баъзан қишлоқ деб юритилади. Айрим манбаларда Қават қалъа (Хоразм, X аср) каби

ёдгорликлар ҳам русток, ҳам шаҳар деб ҳисобланган. Бундай жойлар кальасиз вужудга келган шаҳарлар қаторига қўшилган.

V—IX асрларда кўпчилик қадимги шаҳарлар тикланди. Янгилари карвон йўллари бўйларида вужудга келди. Шаҳарларнинг тузилиши аввалги вақтдагидан фарқланган. Олдинги дизлар фақат сиёсий мавқега эга бўлган шаҳарлардагина ўз эътиборини сақлаб қолди. Бошқаларида эса дизлар мавқеларинийўқолиб харобага айланди. Адабий манбаларда улар «кўҳан-диз — кўҳна диз деб номланади. Бу вақтда шаҳарларнинг иснсий қисм одатда шахристон дейилган. Шаҳар ривожидавомида унинг теварагида рабод шакллана борган.

Аксари шаҳарлар 10—15 га майдонни эгалланган. Бухоро шахристони 30—35 га, Самарқанд рабоди билан 200 га атрофидаги майдонни ишғол қилган эди. Шаҳарлар қудук, очик ариқ ва сопол қувурлар ёрдамида сув билан таъминланган. Йўлларни ва карвонлари ҳимоя қилиш мақсадида кўплаб робот қурилди. Шаҳарларни сув билан таъминлаш катта аҳамиятга эга бўлган. Аксари сув ариқлардан келтирилган, ҳовузларга йиғилган. Баъзан ерости сопол қувурларидан фойдаланилган. Самарқанд каби тепаликлардаги шаҳарларда кўтарма нов (акведук) қурилган эди. Самарқанд нови Жўйи Арзис деб номланган. Ерости сувлардан тоғ ва тоғолди жойларда кориз тизими орқали фойдаланилган. Фарова коризи рабодда бўлиб 700 м узунликка эга бўлган. Кориз ер устида, икки энида кўргон девор, буржлар билан қурилган эди. Баъзи шаҳарларда (Бухоро, Термиз кабиларда) тароз — канализатсия қўлланилган.

Берунийнинг тарихимизга бағишланган асарларида Искандар Макдунийдан 660 йил сўнг Хоразм шоҳи Африғ пойтахт яқинида кўшк қурдирганлиги тўғрисида хабар берган. Унинг таснифи айнан Хоразмдаги Якка парсон кўшкки тўғрисида кетаётгандай туюлади. Якка парсонда ҳам томонлари нишабли суфа (платформа)га қурилган кўшкка, тахминан, 20 м наридан ўтган, буржлари айлана шаклларда бўлган кўргон девордан кўтарма

кўприк орқали ўтилган. Иккинчи девор биринчидан 10 м наридан ўтган эди. Учинчи девор қолдиқлари 40—45 м наридан топилган.

Хоразмшоҳлар даврида Ҳазорасп мустаҳкам қалъа ва гўзал шаҳар сифатида донг таратган эди. Солномаларда унинг бозорлари ва савдогарлари кўплиги, аҳолиси бой бўлганлиги қайд этилган. Шаҳар кўл билан ўралган бўлиб, қолдиқлари ҳанузгача мавжуд. Шаҳарнинг биргина оролда жойлашган дарвозаси бўлган.

Самарқанд шаҳари мўғуллар истилосигача Афросиёб тепалигида жойлашган эди. Шимол тарафидан пастликда Сиёб ариғи ўтган эди. Шаҳарнинг шимолий қисмида қалъа жойлашган. Унинг қўрғон деворлари шаҳарнинг жануб тарафига кенгайганини кўрсатади. Бир неча дарвозалари бўлган. Шаҳардан топилган машҳур деворий суратлар ҳоким — ихшид саройига тегишли бўлган.

Термиз шаҳари VI—VIII асрларда аввалдаги асрлардаги таназзулдан сўнг анча жонланди. Олдинги ташлаб кетилган жойларнинг баъзиларига аҳоли қайтиб келди. Шаҳарнинг гуллаб-яшнаши эса IX—XII асрларга тўғри келади. У янада кенгайиб кетди, бандаргоҳ таъмирланди, қалъада уни мустаҳкамлаш мақсадида қайта қуриш ишлари олиб борилди. Шаҳристон қўрғон девор билан ўралди. Шаҳар таркибига кенг рабодидан ташқари атрофидаги қисми (Сурадикат) ҳам кирган. Сомонийлар даврида шаҳристонда маҳаллалардан ташқари бозорлар, сарой, рабодда ҳам бозорлар, устахоналар, намозгоҳ бўлган. Қўрғон деворларининг эскилари мустаҳкамланди, янгилари қурилди. Уларда тўққиз дарвоза бўлган. Бу даврда Султоир Саодал мажмуасининг дастлабки бинолари пайдо бўлди. XIII аср охирида мўғуллар истилосидан вайрон этилган жойлардан, шарққа, сайидлар манзили Саловат деган жойга кўчди. XV аср бошида Термиз «яхшигирра қурилган, ажойиб бозорлари бўлган катта, шаҳар» эди. Бутун

ХВ аср давомида қурилиш жадал суръатлар билан олиб борилди; бандаргоҳ ва қалъа обдон таъмирланди¹⁹.

Тошкентнинг бу даврнинг дастлабки вақтидаги ҳаёти Мингўрик (Мингўрик Афросиёби) ёдгорлигида кечди. Мингўрик V-VII аср Ўрта Осиёдаги йирик, майдони 30 га атрофида бўлган шаҳарлардан ҳисобланиб, диз (қалъа), шаҳристон (ички шаҳар) ва рабод (ташқи шаҳар)лардан иборат эди. Унинг тевааракларида кўплаб кўшк, қад, кентлар пайдо бўлган. Улардаги иморатлар, асосан, хом ғишт ва пахсадан иборат бўлиб, ҳозиргача тепа ҳолатида етиб келган. Тахминан, VIII—IX асрларда Тошкент эски шаҳар территориясига кўчади. Бу ҳудуд паст-баланд бўлиб, халқ тасаввурида шаҳар учун энг яхши жой («етти сой, етти қир») ҳисобланиб, аҳолини сел хавфидан сақлаган.

Берунийнинг (X аср) гувоҳлик беришича, Тошкент ўша вақтларда Бинқад деб аталган. Шаҳар ҳар бири қўрғон деворли арк (қалъа), шаҳристон ҳамда кўш (ички ва ташқи) рабодлардан ташкил топган эди. Ички рабод «Рабоди дохил», ташқи рабод «Рабоди хориж» деб аталган. Шаҳарда бинолар зич (ташқи рабод бундан мустасно) қурилган эди. X аср маълумотига кўра, шаҳар ўлчамлари фарсангга (5—6 км га) тенг бўлган. Марказий Чорсу бозори ва Регистон майдони шаҳристонга туташ бўлган. Тошкент Чирчиқ дарёси бўйидаги бошқа шаҳар ва қишлоқлар билан яхлит шаҳарсозлик тизимини ташкил қилган. Мўғуллар истилоси Тошкентга катта талофат келтирган. XIII асрда йирик қурилиш ишлари олиб борилмаган. Шаҳардаги меъмор-лик тўғрисидаги тасаввурни ҳозирги Тошкент ва унинг атрофларидаги маданий тепаликлар беради. Бир неча бундай тепаликлар Оқтепа деб аталади. Улар ичида Юнусобод Оқтепаси ўзининг катталиги, нисбатан яхши сақланганлиги ҳамда унда Ўрта Осиёда дастлабки гумбазлардан бири қўлланганлиги билан ажралади.

¹⁹ Пулатов Х. Ўзбекистон архитектура ёдгорликлари. Т. 2003. 55 б

Кенг камровли шаҳарсозлик ишларини нафақат Амир Темур, балки унинг ўғли Шохруҳ ҳам олиб борганлиги маълум. 1370-йилда Амир Темур пойтахт шаҳар сифатида Самарқандни белгилагандан кейин ҳам Кеш вилоятининг бош шаҳри Шахрисабзга ўз эътиборини сусайтирмади. XIV—XV асрлардаёқ Шахрисабз ёнидаги Китоб ўрнида жойлашган қадимги Кеш билан майдон жиҳатидан боғланмаган эди.

Шош вилоятидаги қадимги Қанғхада бу даврларда олиб борилган катта қайта қуриш ишларидан сўнг шаҳар Шохруҳнинг жонкуяри номи билан Шохруҳия деб атала бошлади.

Мўғуллар истилосидан сўнг Болоҳисорда ҳаёт сўнди. Самарқанд пастга, жанубга кўчди. 1370-йилда шаҳар кўрғон девор билан ўралди. Ғарб тарафида қалъа жойлашган бўлиб у ҳам алоҳида девор билан қуршалган эди. Натижада ғарбда икки қатор девор ҳосил бўлган. Шаҳар деворларида олти дарвозаси бўлган. Улар соат миллари ҳаракати бўйича жойлашуви тартибида Шайхзода, Оҳанин, Феруза, Сўзангарон, Коризгил ва Чорсу деб номланган. Шимол-жануб йўналишидаги кўча шаҳарда асосий бўлиб, унинг ўртаси Регистон майдони билан белгиланган. Майдондан Оҳанин дарвозасигача ўтган савдо кўчасининг устини Амир Темур гумбазлар билан ёптирган эди. Шаҳар ташқарисида ҳам у бир неча қишлоқлар қурдириб, уларга жаҳоннинг йирик шаҳарлари — Фориш (Париж), Бағдод каби номларни берди.

XV асрда Самарқанд атрофида ўндан зиёд боғлар тузилган эди. «Бобурнома»да Темурнинг барпо этган шундай боғлардан бири — Боғи Дилкушодан Феруза дарвозасигача бўлган масофада икки тарафига тераклар экилган хиёбон тўғрисида маълумот берилган. Асарда Улуғбекнинг боғлари ҳақида қуйидагилар дейилган: «Яна Пуштаи Кўҳакнинг доманасида ғарб сари боғе солибтур, Боғи Майдонга мавсум. Бу боғнинг ўртасида бир олий иморат қилибтур. Чил-сутун дерлар, ду ошиёна, сутунлари тамом тошдин. Юқориги ошёнининг тўрт тарафи айвондур, сутунлари тошдин. Ўртаси эҳордара уйдур. Иморат курсисини тамом тошдин фарш қилибтурлар. Бу имораттин пуштаи Кўҳак сари доманада яна бир борча солибтур, анда бир

улур айвон иморат қилибтур, айвонинг ичида бир улур тош тахт қуюбтур. Ушбу борчада яна бир эҳордара солибтур, изораси тамом чинний. Чиннийхона дерлар»²⁰.

Бибихоним мажмуаси Амир Темурнинг Самарқанддаги энг йирик қурилишларидандир. Мажмуа жоме масжиди ва мадрасадан иборат бўлиб, улар *қўш* (муқобил) шаклида ташкил этилган. Кўпгина адабиётларда жоме афсоналарга таянилган ҳолда Бибихоним — Сароймулкхоним номи билан аталиб келинган. Ҳақиқат юзасидан олганда Амир Темур номи билан аташ мақсадга мувофиқдир. Масжиднинг композитсион ўқи бўйича Бибихоним мадрасаси қурилган. Уларнинг ўртасидан ўтган кўча пойтахтда энг муҳим деб ҳисобланган.

Амир Темур жомеси ўзининг ниҳоятда улуғворлиги, салоҳатлиги, сербезаклиги билан давр меъморлигининг ёрқин намунасидир. Жоме йирик ўлчамларда барпо этилган. Ҳовлили, тўрт айвонли композитсияга эга. Бўйлама ўқ бўйича ҳаша-матли пештоқ ва «Катта масжид» деб аталувчи ҳажмлар жойлашган. Кўндаланги ўқни «Кичик масжид» ҳажмлари белгиланган. Иншоотнинг зикр қилинган қисмларига қараганда бошқа, бурчак қисмлари нисбатан пастроқ. Уларнинг ёпмаси устунларга таянган гумбазлардан иборат.

Бибихоним мадрасаси жомеънинг композитсиясига бўйсундирилган ҳолда ташкил этилган. Масжидга қараганда кичикроқ. У ҳам ҳовлили тизимга эга. Мадраса таркибига Сароймулк-хонимнинг мақбараси кирган. Амир Темур давридаги мемориал меъморликнинг ёрқин намунаси Муҳаммад Султон мажмуаси (Гўри Амир) дир. Темурнинг вориси қилиб тайинланган Муҳаммад Султоннинг вафотидан кейин, унинг хотирасига мажмуа қурилади. Мажмуанинг таркибига уч асосий иншоот — мақбара, хонақоҳ ва мадраса кирган. Улар чоғроқ майдон атрофининг уч то-монларида жойлаштирилган эди. Хонақоҳ ҳам мақбара каби гумбаз билан ёпилган эди. Мадрасанинг ўртасида ҳовлиси бўлган. Майдоннинг тўртинчи томони ҳам

²⁰ Иброхимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиё бўйлаб саёҳати. Т., 1991. 55 б

девор билан ўралиб унинг ўртасидан киравериши алоҳида пештоқ билан ажратилган. Майдоннинг тўртта бурчагида миноралар қад кўтариб турган эди. Хонақоҳ ва мадраса бузилиб кетган. Пештоқ ва мақбара сақланган. Мақбарага Муҳаммад Султондан кейин Темурнинг ўзи, ўғиллари, Улуғбек дафн этилгандан сўнг иншоот Гўри Амир номини олган.

Дастлаб мақбарага киравериш майдончадан ташкил этилган эди. Кейинчалик, Улуғбек давридаги қайта қуриш чоғида асосий эшик олдингисига нисбатан ён тарафдан ташкил этилган. Гўри Амир ўзининг тарихий қиймати, юсак бадий — меъморий сифатлари: хушбичимлиги, жуда бой безаклари, бу безакларнинг ҳажм сатҳларига мослиги — тектоникавийлиги билан ноёб обидалардан ҳисобланади.

Муҳаммад Султон мажмуасидан фарқли ўлароқ Шоҳи зинда мажмуаси (аниқроғи — меъморий мажмуалар ансамбли) бошқа тийнатга эга. У чизикли композитсияда бўлиб, ҳозир-ги вақтда шимол — жануб йўналишидаги усти очик раҳрав (коридор) негизида ташкил этилган. Мажмуанинг дастлабки шаклланиш жараёнида ғарб-шарқ йўналиши бўйича уюшган эди. Дастлабки ва ҳозирги йўналишларнинг кесишган жойи ҳовлисифат майдонча билан белгиланган. Майдончанинг жануби — шарқида мажмуа пайдо бўлишига сабабчи Қусам ибн Аббос қабри ва унга тегишли бўлган бинолар уюшмаси жойлашган. Шоҳи зинданинг Болоҳисор ён бағрида вужудга келиши унинг композитсиясини релеф (паст — баландлик)нинг бадий имкониятларини рўёбга чиқариш асосида ташкил қилишга олиб келди. Меъморий мажмуа сал кам минг йил давр даво-мида шаклланиб келган. Бироқ ундаги биноларнинг кўпчилиги XIV—XV асрларда бунёд этилган²¹.

Шоҳи зинданинг жами иншоотлари композитсон жиҳатидан уч бинолар гуруҳига уюшган. Ҳар бир гуруҳни чортоқлар бирлаштириб туради. Пастки, 1-чортоқ мажмуага кираверишдаги бинолар жамлаган. Юқоридаги, 2-

²¹ Пулатов Х. Ўзбекистон архитектура ёдгорликлари. Т. 2003.

чортоққа пастдан пилла-поя (зина) орқали чиқилади. 3-чортоқ ҳам юқорида бўлиб, у мажмуа негизини ташкил қилувчи Қусам ибн Аббос мақба-расини ва унга туташ бўлган бошқа иншоотларни уюштиради.

XIV аср охирларида Темур Хоразм, Озарбайжон, эронга қилган юришларидан кейин у мамлакатлардан келтирилган ва маҳаллий усталар Ок сарой, Темур авлодининг мақараси — Дорус-Саодат ҳамда Дорут-Тиловат мадрасаси курилади. Улар Ўрта Осиёдаги дастлабки улкан иншоотлардан эди.

Шаҳрисабз шаҳарининг қадимги қисми XIV ва XIX асрларда курилган кўрғон деворлар қолдиқлари билан чегара-ланган. Тарихан шаҳар майдони унинг жанубида кўрғон деворлари ичкарига қараб 450 м сурилгани ҳисобига камайган. Шаҳрисабзда 1378— 1379-йилларда Темур катта ободонлаштириш ишларини бошлаганда, шаҳар (Ҳисор) 4 дарвозали пахса кўрғон девор билан ўралган эди. Ташқи тарафдан девор бўйлаб хандак бўлиб, устидан кўтарма кўприк орқали ўтилган. Бу вақтда Шаҳрисабз Шарқда қадимдан маълум бўлган, текис майдонга мўлжалланган, кунга қаратиб ориентатсияланган ҳамда бош кўчалари чорраҳада кесишган, тархи тўғри тўртбурчакли шаҳар қиёфасига киради. Тахмин бўйича, бу анъанавий схема асосида коинот тузилиши тўғрисидаги тушунча бўлиб, унинг рамзий модели шаҳар тархида ҳам мужассам бўлган. Бундай тўғри тўртбурчак шакли шаҳарлар ўрта асрларда жуда кўп бўлган. Ўзбекистонда Шаҳрисабз шаҳридан ташқари, Бухоро, Хива шаҳарлари, хо-рижда Ҳирот ва бошқа шаҳарлар мисол бўла олади. XIV асрда Шаҳрисабз томонларининг узунлиги 770х1730 м, кўрғон деворларининг периметри 5 км масофани ташкил этган. Чорраҳада ҳозирдагидек бозор жойлашган эди. Жанубдан шимолга бош кўча ўтиб, у жанубдаги Чармгар дарвозаси билан шимолдаги Арк (ёки Китоб) дарвозасини шаҳарнинг ўртасидан тўғри ўтиб бирлаштирган. Кўчанинг шимо-лий бўлаги эса катта бурчак остида йўналиб шаҳар деворининг ўртасидан четга тақалган эди. Ғарбдаги Қорихона дарвозасидан шарқдаги Кунчиқар дарвозасига қараб кетган тўғри кўча вақт ўтиши билан кўп

тирсакли шаклга эга бўлиб қолган. Асосий кўчалар чоррахаси Чорсу биноси билан белгиланган. Шаҳарнинг шимоли-ғарбий чорагида Амир Темур улкан иншоот — Оқ сарой қурдирган эди. Унинг олдида Регистон майдони бўлган. Абдуллахон даврида ҳам бу ерларда арк бўлган эди. Шаҳарнинг жанубий ярмида Дорус-Саодат ва Дорут-Тиловат мажмуалари барпо этилган.

Тошкент шаҳарида XIV аср охири - XV асрга келиб унинг қўрғон девори таъмирланади. Шаҳар ичида ва атрофида монументал иншоотлар қурилади, архитектуравий мажмуалар пайдо бўлади. Занги ота қишлоғидаги Занги ота ва Амбар биби мақбаралари, Кўкча мавзусидаги Зайнуддин бува мақба-раси, Чорсудаги Хўжа Ахрор мадрасаси (сақланмаган) ва Жоме (Матжоме) масжиди, Пушти ҳаммом, Шайхонтахурдаги Шайх Хованд Тахур мақбараси ва Юнусхон хонақоҳи шулар жумласидандир. Уларда ва XVI асрда барпо бўлган Тошкент иншоотлар беағида, хусусан, Чорсудаги Кўкалдош мадрасасида, Ҳазрати Имомдаги Қафқол Шоший мақбарасида ва Бароқхон мадрасасида, Қоратошдаги ҳаммомда (пойдевори сақланган) рангдор кошинлар қўлланилган.

XV-XVI асрлардаги бинолар негизида шаҳарнинг функционал ва композитсион — бадий яхлитлигини таъминловчи Ҳазрати Имом, Чорсу, Шайхонтахур, Зайнуддин бува, Занги ота мажмуалари барпо бўлди.

Ўрта Осиёнинг ўрта асрлардаги шаҳарларида жамоат майдонлари алоҳида мавқега эга бўлган, шаҳар манфаатига доир турли мақсадлар билан одамлар тўпланадиган очик жой. Регистонлар турли даврларда ва турли шаҳарларда ҳар хил кўринишларга эга бўлган; майдонда аксари йирик-йирик жамоат бинолари қурилган; ҳовуз, дарахтлар билан ободонлаштирилган бўлиши мумкин. Атаманинг этимологиясига кўра, «Регистон» — майда тош тўшалган жой. Улар меъморий жиҳатдан дастлаб содда бўлган. Айни вақтда кўпчилик томонидан топталанадиган бу жой ёзда тупроғи ўйнаб кетишига, ёғин-ғарчиликлардаги ботқоқликка қарши қумтош ётқизилганлиги бошқа очик жойлардан фарқланиб турган. Кейинчалик атрофида маҳобатли жамоат бинолар (жоме масжиди, мадраса, девон кабилар) қурилиб ҳашаматли

кўриниш олган. Регистонларнинг энг улуғвори Самарқандагидир. Бухоро Регистони Аркнинг жанубида жойлашган. X асрда бу майдонни ҳозирда сақланмаган Сомонийлар саройи, девонхоналар қуршаб олган эди. XX аср бошига келиб, тархи овалга яқин бўлган бу майдон атрофида бирқанча йирик бинолар (улар ҳам бизгача этиб келмаган) жойлашган эди. Шаҳрисабз Регистони Амир Темур қурдирган Оқ саройнинг жанубида бўлган, кейинги даврда ҳам Оқ сарой теварагида Арк жойлашганлигини назарда тутсак, Шаҳрисабз Регистоннинг тийнатиини маъмурий иншоотлар белгиланганлиги равшан бўлади²².

III БОБ. ХОРАЗМ ВОҲАСИ ШАҲАРСОЗЛИГИ ТАРИХИДАН

Хоразм воҳасида шаҳарсозликнинг вужудга келиши тарихини ўрганишда “Хоразм экспедицияси”нинг ўрни бекиёсдир. Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон ҳудудидаги археологик тадқиқотлар XX асрнинг 30 – йилларидан бошлаб авж олди. Бу ишни собиқ Иттифок Фанлар академиясининг Ўрта Осиё республикаларидаги филиаллари, Ленинград ва Москвадаги илмий ташкилотлар, шунингдек, Моддий маданият тарихи академияси (ҳозир Россия Фанлар академиясининг археология институти), Шарқ маданияти музейи каби ташкилотлар олиб борганлар.

Хоразмнинг бой тарихини ҳар томонлама жиддий тадқиқ қилиш 1937 йилда СССР Фанлар Академиясининг муҳбир аъзоси С.П.Толстов томонидан «Хоразм археология - этнография экспедицияси»га асос солинганидан сўнг бошланган десак ҳеч муболаға бўлмас.

Хоразм Археология-Этнография экспедицияси – Хоразм воҳаси археологик маданияти ва тарихини (палеолит давридан милодий 18—19 асрларгача) текшириш мақсадида уюштирилган экспедиция (1937). Хоразмни археологик ва этнографик жиҳатдан ўрганиш 1928—29 йилларда

²² Рейимбаев.Ш. Хоразм шаҳарларининг архитектуравий-тарихий тизими. XIX аср охири XX аср боши. Т. 2002

бошланган. А. Ю. Якубовский бошчилигидаги экспедиция Хоразмшоҳлар пойтахти — Урганч (ҳозирги Кўхна Урганч) даги меъморий ёдгорликларни ва илк ўрта аср шаҳри Миздахқон (Хўжайли яқинидаги Гавр қалъа) да қазишма ишлари олиб борган. 1934-йилда Тошхөвүздаги Замахшар шаҳар харобасида М. В. Воеводский экспедицияси фаолият юргизган. 1936-йилда Я. Ғуломов ва Т. Мирғиёсовлар Манғит яқинида жойлашган милоддан аввалги 1-минг йиллик ўрталарига оид зардуштийлар қабристони тадқиқ этган. 1937 йилда Я. Ғуломов Гулдурсун, Норинжон ва Пилқалъа шаҳар харобаларини текширган. Шу йилдан эътиборан Хоразм Археология-Етнография экспедицияси раҳбари сифатида — С.П.Толстов иш бошлаган²³. Экспедиция таркиби йилдан йилга археолог, этнограф, антрополог, расом, меъмор ва бошқа мутахассислар билан кенгайтирилган. Экспедиция аъзолари Аёз қалъа, Бозорқалъа, Жонбосқалъа, Тупроққалъа, Қўйқирилган қалъа, Қўрғошинқалъа, Қизилқалъа, Кўзалиқир, Тешиққалъа каби ноёб археологик ёдгорликларни илмий тадқиқ этдилар. Қазишлар натижасида турли даврларга мансуб бўлган Хоразм воҳасининг жуда кўп тарихий ёдгорликлари: харобалар, қалъалар, истеҳкомлар, каналлар, қадимги маданиятни ўрганишга ёрдам берувчи ёзувлар, суратлар, уй анжомлари, муҳрлар, кумуш, мис ҳайкалчалар топилди. Экспедиция Қадимги Хоразмнинг бошқа ўлкалар билан қандай алоқада бўлганлигини ўрганди. Натижада Хоразм қадимдан Волга Дон ҳавзаларидаги скифлар, қуйи Сирдарё атрофидаги саклар, Жанубий Туркманистон ва Бухоро воҳаси халқлари билан тарихий-маданий алоқада бўлганлиги илмий жиҳатдан асосланди. Экспедиция материаллари асосида муҳим монографиялар, илмий мақолалар, тарихий очерклар ёзилган. Илмий ҳисоботлар «Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции» номи билан нашр қилинади. Хоразм Археология-Етнография экспедицияси фаолияти туфайли 1-март Хоразмнинг археология харитаси

²³ Хасанов с.с “С.П. Толстовнинг қадимги Хоразм тарихини яратишда олиб борган илмий тадқиқот изланишлари”. Т. 1986

(1956) тузилган. Экспедициянинг илмий тадқиқотлари бутун Ўрта Осиёнинг қадимги тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур экспедиция томонидан олиб борилган изланишларнинг натижаси ўлароқ қуйи Амударё ва Сирдарё ҳудудларида етти мингдан кўпроқ беқиёс илмий аҳамиятга эга бўлган археологик ёдгорликлар аниқланиб улардан энг муҳимлари тўғрисида қимматли маълумотлар тўпланиб чоп этилди. Фанда «Хоразм экспедицияси» номи билан машҳур бўлган бу илмий жамоанинг алоҳида аъзолари томонидан чоп этилган асарларнинг қиммати ҳам беқиёсдир. Жумладан, С.П.Толстов томонидан ёзилган «Қадимги Хоразм» («Древний Хорезм»), «Қадимги Хоразм маданиятини излаб» («По следам древне - хорезмской цивилизации»), «Қадимги Окс ва Яксарт дельталари бўйлаб» каби асарлари дунёнинг йигирмадан ортиқ тилларига таржима этилиб кенг ўқувчилар эътиборига тушганлигининг ўзиёқ тадқиқотнинг халқаро аҳамияти нақадар юксак эканлигидан дарак беради.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг эллик йиллик юбилейидаги нутқида Президентимиз Ислам Каримов Россия олимларининг Ўзбекистонга, ўзбек халқига замонавий фанни бунёд этиш борасида кўрсатган ёрдамларини алоҳида таъкидлаб ўтсак арзийди, деб таъкидлаган эди.

XX аср бошларида тарихий фанларда “Евромарказчилик”, яъни жаҳон тамаддуни тараққиётида Шарқ халқларининг тарихий – маданий моҳиятини инкор этиш ва аксинча, “ғарб маданияти”нинг аҳамияти ва ролини мутлақлаштиришга қаратилган назария вужудга келди. Буржуа адабиётларда Шарқ халқларининг прогрессив тараққиёти инкор этилиб, “Шарқ мамлакатлари азалдан сира бартараф қилиб бўлмайдиган турғунликка маҳкумдир”, деган ноҳолис даволар кенг тарқалган эди.

С.П.Толстов олим сифатида ўз тадқиқотларини биринчи кунидан бошлаб ғарбнинг ана шу даъволарини рад қилишни, далил – ашёлар ёрдамида уларни фош қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бу жуда оғир, ўта масъулиятли вазифа эди. Бу вазифани ҳал қилишда Хоразм материалларига

умид боғладим, дея ҳикоя қилади олим. Академик С.П.Толстовнинг алоҳида эътиборга молик хизматларидан яна бири ёзма ва археологик маълумотларни чуқур ўрганиб Қадимги Хоразм элати, хусусан ўзбек халқининг келиб чиқиши масаласига аниқлик киритди ва мутлақо янги фикрларни баён қилди. Ҳали яқингача тарих фанида, Шарқдан кўчиб келган кўчманчи қабилалар, айниқса XV–XVI асрларда замон тақозоси билан Дашти Қипчоқ чўлларида кўчиб келган кўчманчи қабилалар ўзбек халқининг шаклланишида ҳал қилувчи рол ўйнади, деган ғайриилмий тушунчалар ҳукмронлик қилиб қилиб келган эди²⁴. С.П.Толстов эса ўз тадқиқотлари билан ўзбек халқининг асосини шарқдан кўчиб келган кўчманчи қабилалар эмас, балки шу кўҳна масканда минг йиллар давомида ўтроқ ҳаёт кечириб келган ерли халқ – хоразмийлар, сўғдийлар, тохарлар, бактрияликлар ҳамда Аму ва Сирдарё бўйларида азалдан яшаб чорвачилик билан шуғулланиб келган массагет - саклар ташкил этганлигини исбот қилди.

1936–1940-йиллар мобайнида ХАЭЭси Хоразмнинг кўҳна қалъалари, Хива, Хазарасп, Тупроққалъа, Қўйқирилганқалъа, Аёзқалъа ва бошқа қалъаларда археологик тадқиқот ишларини олиб борди. Натижада Хоразм тарихининг шу кунгача фанда маълум бўлмаган сирли саҳифалари очила бошланди. Айниқса, 1938 йили Хоразмшоҳларнинг диний сулолавий маркази Тупроққалъа (мил.авв. I аср – милодий IV–VI асрлар) ва Қўйқирилганқалъа (мил.авв. II аср – милодий III асрлар)да тадқиқот ишлари олиб боради. Юзлаб кўҳна харобаларни текшириб тилга киритган Хоразм экспедитсияси раҳбари С.П.Толстов Ўрта Осиёда урушдан олдинги ва кейинги йилларда ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларини ҳам якунлаб, шундай ёзган эди: “Бизнинг Хоразмда иш олиб борган археология –этнография экспедициямиз олдида турган марказий-илмий муаммо – ислом динидан аввалги Ўрта Осиёнинг ижтимоий тузуми масаласи эди. Бизнинг экспедициялармиз тўплаган талай

²⁴ Толстов С.П. По следам древне хорезмийской цивилизации. М. 1948. 44 б

материаллар 1940-йиллар охирига келиб, бу муаммолар ҳал бўлди, деб ҳисоблаш имконини берди...Энди шу нарсани узил-кесил аниқланган деб ҳисоблаш мумкинки, Ғарб ва Шарқ мамлакатлари сингари Ўрта Осиё халқларининг қадимги тарихи ҳам ибтидоий жамоа тузумидан кулдорлик тузумига ва ундан феодализмга прогрессив ривожланиш орқали иборат бўлган узундан узоқ йўлни ташкил этади ”.

Толстов “Ўрта Осиё Мисри” деб таърифлаган ҳамда кўхна қалъалар юрти ҳисобланган Хоразм узоқ тарихга эга. Хусусан шаҳарсозлик тарихи ҳам алоҳида илмий аҳмиятга эгаллиги билан ажралиб туради. Қуйида Хоразм воҳасида жойлашган қадимий қалъалардан бир нечтаси билан танишиб чиқамиз.

Тупроқалъа қорақалпоғистоннинг Эллиққалъа ноҳияси боғдорчилик совхози ҳудудида жойлашган. Тупроққалъа, милодимиздан аввалги III—II асрларда қурилган бўлиб, милодимизнинг IV—V асрларида қайта тикланган обидадир. Бу қалъа-шаҳар милоддан аввалги III-IV аср бошларида Хоразм шохларининг қароргоҳи бўлган. 1938 йилдан бошлаб собиқ СССР Фанлар академиясининг Хоразм археология ва этнография илмий сафари ходимлари илмий-текшириш ишлари олиб бориб, шаҳар тарихи билан боғлиқ масалаларни то ҳозиргача ўрганмоқда. Тупроққалъа тузилиши тўғри бурчакли (500X350 м) бўлиб, 17,5 га майдонни эгаллаган. Қалъада 2000—2500 киши истиқомат қилган. Шаҳар гумбазсимон йўлакчи ва буржли мудофаа девори билан ўралган. Деворнинг жануб томонидаги дарвозаси орқали шаҳарга кирилган. Шаҳар дарвозасидан унинг ўрта чизиғи бўйлаб катта куча орқали ибодатхонага ўтилган. Кўчанинг икки томонида 8 та даха уйлари ўрнашган. Уйлар ўртасидан тор кўча ўтади. Бундай уйларнинг ҳар бирида яшаган жамоаларнинг хусусиятларини аниқлашда ғиштларга туширилган тамғалар қайси уруққа мансубликнинг белги- ларидир. Шаҳарнинг шимоли-ғарбий қисмида баландлиги 14 м, майдони 80x80 м супа устига ғишдан сарой қурилган. Сарой ёнида 40x40 метрли учта буржли, ба- ландлиги 25 метр келадиган арк ҳозиргача сақланган. Аркка эса

шарқ томондан кўтарма йулак орқали кирилган. Шахарни қазииш жараёнида 100 га яқин турар жой, хўжалик бинолари, 8 та сарой зали аниқланган. Заллар бўртма нақшлар ва рельефли (рангли) хайкаллар билан жихозланган. Сарой ташқарисида хўжалик бинолари, кишиларнинг турар жойлари ўрнашган бўлиб, улар ҳам нақш ва тасвирлар билан безатилган. Тупроққалъанинг шарқий қисмида харбий анжомлар тайёрланадиган устахона ўрнашган бўлиб, унда темир найзалар ва уч парракли уйлар, саройнинг иккинчи қаватидаги емирилиб кетган жойида подшо архиви топилди. Ундан тери ва ёғоч тахтачаларга битилган милодимизнинг III асрига оид юздан ортиқ қадимги Хоразм ёзувидаги ҳужжатлар топилди.

Тупроққалъанинг шимоли-ғарбий бурчагидаги шох саройи деворидаги III асрга доир расм ва хайкаллар алоҳида аҳамиятга эга. Деворда ўрнаштирилган расмлар турли хил мавзулилиги ва услуби билан киши диққатини ўзига жалб қилади. Расмлар сарой деворига қалин ганч сувоқ устига минерал бўёқлардан ишланган, унга ўсимлик елимларидан ҳам кўшилган. Тасвирларни туширишда оқ, қора, кўк, зангори, пушти, қизил, сариқ, оч ва тўқ яшил, жигарранг, гунафша ранг қўлланилган. Айрим жойларида қалин қора бўёқ, қизил ва сариқ ранглар кўпроқ ишлатилган. Шахарнинг жануби-шарқий девори тупроқдан очилганида пастки қисмидаги йўлдан яланғоч холдаги аёл тасвирланган йирик ганч хайкалча топилди.

Тупроққалъадаги хоналарнинг кўпчилиги нақшинкор қилиб безатилган. Қазиб олинган бинолар ичида иккинчи қаватдаги бешинчи хона айниқса кўп безак берилган зал бўлганлиги билан ажралиб туради. Хона тўртта устунли, ясси томли улкан зал бўлган. Залда эса тантанали маросимлар ўтказилган. Залнинг деворида қора ва сариқ тусдаги йўл (полоса) ларнинг бир-бири билан кесишишидан ҳосил бўлган безакли расмлар ишлатилган, бу йўлларга турли гуллар, созанда ва хонандаларнинг расмлари солинган. Шулар қаторида учбурчак шаклидаги катта арфа чалаётган аёлнинг сарғиш тусдаги нихоятда нафис ишланган расми бутунлигича сақланиб қолган. Муסיқачи аёл кўлига билагузук таққан, юзлари юмалоқ, сочлари жингалак, ўзи чалган

куйнинг сеҳрига мафтунлик аломатлари сезиларли киёфада тасвирланган. Худди шу хонадан топилган бошқа бир расмда ажиб бир майорат билан чизилган, бўта кўлари билан тик боқиб турувчи, қошлари пайваста аёл юзининг юқори қисмини тасвир этувчи фрагмент парча киши хаёлини ўша давр бадиият оламига олиб киради. Фрагментларнинг иккинчисида бўйинини мағрур холда буриб турган аёл бошининг ён томонидан бир қисми тасвирланган бўлиб, унда аёлнинг ёқаси кашта билан безатилган, қора сочи қизил рўмолча билан турмаклаб танғиб кўйилган. Арфа чалаётган аёл хонаси остидан икки торли чолғу асбобининг пардасини ушлаб турган одамнинг кўли тасвирланган нақш намунаси қазиб олинди²⁵.

Бир қанча биноларда нақшларнинг деворларда сақланиб қолган қуйи қисмида эни 0,5—0,75 метр келадиган безакли панеллар топилди. Саройнинг ғарб томонидаги биноларнинг биридан топилган хаворанг панель кўпроқ киши диққатини ўзига жалб қилади. Бу панелда балиқларнинг оқ-қизил йўлда мовий тўлқинларда сузаётган жилваси шу қадар маҳорат билан тасвирланганки, киши назарида, тўлқинлар чиндан ҳам ҳаракатланаётир, деган таассурот қолдиради. Бу панелда одамлар, хайвонлар, узум бошлари ва баргларининг бир бутун композицияси бирлаштирилган расм-тасвири бор бўлиб, расмнинг таги қора ва қизил фонда берилган.

Кўшчи хонадаги кулранг-кўкимтир панелда балиқларнинг қора тангачалари тасвирланган, панелнинг усти қизил бўлиб, унга одамлар ва отларнинг тасвирлари туширилган ва нақшли рамка билан ўраб олинган. Ўша буржнинг шимолий бурчагидаги хоналарга ишланган расмларга ҳам қизил фонда ранг берилган.

Турли хоналардан йўлбарснинг учта тасвири (боши, дум томони ва иккита панжаси), отнинг тўртта тасвири, қирғовул қушнинг қизил фонда кўкимтир-бинафша тусдаги тасвири, шунингдек одамнинг ён томонидан кўринишини, бошининг юз томондан кўринишини, кўзини, болдирини тасвирловчи фрагментлар қазиб олинди. Саройнинг марказий

²⁵ Эгамбердиева Н.А. Археология . Т. 2011. 12.6

майдончаларидаги хоналарнинг бирида деворга ишланган битта композицияга бирлаштирилган оқ кийимли, тик турган аёлнинг ва қора чакмон кийган эркак кишининг тасвири яхши сақланганлиги билан ажралиб туради. Тупроққалъадан ярим яланғоч холда рақсга тушаётган аёллар сиймосининг тасвири туширилган суратларнинг топилиши антик давр Хоразм бадиий маданияти тарихини кўз олдимизда янада жонлантириб кўрсатади.

Тупроққалъадан милодимизнинг III асрига оид масхарабоз ниқоби, кум соат шаклидаги кўш ноғора, дўмбирага ўхшаш икки торли чолғу асбоби нақш фрагменти, рақсга тушувчилар зали ва бошқа нақшлар билан безатилган зал ва хоналарнинг топилиши кулдорлик ижтимоий-иқтисодий жамияти даврида Хоразмда маданият анча тараққий этганлигидан далолат беради.

Айниқса, рақсга тушувчилар залидаги оммавий рақсга тушиш пайти тасвирланган нақш фрагменти она маъбуда Минанинг хаёти кураши ва ўлимига бағишланган. Мина Хоразмда она уруғи анъаналари асосида хукмрон бўлган, кейинги даврда эса унинг сиймоси маъбуда қиёфасига кўчган. Қадимги хоразмликларнинг «Мина кечаси»да Минага афсун ва дуо ўқишлари, кейинчалик унга маъбуда сифатида сиғиниб оммавий рақсга тушишлари Хоразмда сахна санъати тараққиётида муҳим ўрин тутган.

Зардуштийлик эътиқодини қўллаган қадимги хоразмликлар Минанинг ўлимини яхшилик тангриси Ахурамазданинг ёмонлик, ёвузлик тангриси Ахримандан вақтинча енгилишига боғлаб, Минанинг жинлар, арвохлар билан олишувини юзларига ниқоб кийиб олиб ўйин ҳаракатларида ифодалаб берганлар. Қадимги греклардаги Дионис байрамига ўхшатиб, қадимги Хоразмда ҳам «Мина кечаси» маросимини «Ниқоб билан рақс тушувчилар» залида ўтказганлар²⁶.

²⁶ Пугаченкова Г.А. Ртвеладзе.Э.Б. Северная Бактрия-Тотаристан. Т. 1990. 54 б

Бошқа бир хонада юрак тасвирига ўхшатиб ишланган нақш (гул) фонида кошлари тўғри, қисик кўзли, қулоқларига оғир исирға таққан, гулли кўйлак кийган аёл расми киши диққатини тортади.

Тупроққалъа деворий расмлари нақш мотивлари кўплиги билан ҳам ажралиб туради. Деворий расмлар Хоразмнинг жануби-шарқи ва жануби-ғарбидаги мамлакатлар тасвирий-санъати анъаналарини қисман эслатади холос. Бу эса, ўша мамлакатлар билан Хоразмнинг маданий алоқалари таъсири натижаси эканлигининг далилидир. Шунга қарамай Тупроққалъа деворий композициялари Хоразм мустақил, ўзига хос рассомчилик мактабига эга бўлганлигини таъкидлаб ўтишга асос бўлади.

Қадимги Хоразм маданиятининг йирик тадқиқотчиси С. П. Толстов ҳам буни алоҳида кўрсатиб ўтган: «...Хоразмда тамомила мустақил бадиий марказ бўлган,—деб таъкидлайди С. П. Толстов,— ва ана шу марказ Ўрта денгиз ва Ўрта Шарқнинг сўнгги маданий-бадиий марказлари орасида алоҳида ўринни эгаллаган бўлса керак, дейиш имконини беради».

Калъада тўқ қизил фонга оч гунафша ранг ва сарик тусда солинган ов манзараси, тўқ кўк фонда ёйилиб ётган оқ ва қизил лолагуллар, пуштироқ тусда кўк фонда берилган одам юзи, қизил билан оқ рангда тасвирланган ўсимликлар, қора фонга туширилган одам юзи тасвири киши диққатини жалб қилади.

Расмлар жуда ҳаққоний ва тўла-тўқис ишлангани, рельефли чизиқлар ва кўпгина ранглар воситасида жило берилганлиги билан ажралиб туради. Нақш мотивларининг ассортимента ҳам бой ва турли-туманлиги билан кишини хайратда қолдиради. Мотивлар хоналардан топилган нақш намуналарида ўз аксини топган. Буларда ўсимликлар, турли геометрик шакллар, гулчамбарлар, гуллар ва гул барглари, кўй шохига ўхшаб тарвақайлаб кетган ва эгилган бутлар, гунафшаранг тухумсимон маржонларнинг қора фонидаги

тури, тўлқинсимон ва тўғри чизиклардан ташкил топган бежирим безаклар тасвирланган²⁷.

Наққошлик санъати Хоразмда рассомлик сингари ўзига хос мавзуга эгаллиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга Тупроққалъадаги нақшлар композицияси (девор сиртининг ромб шаклидаги яхлит безакларга бўлиниши) жихатидан бу нақшларнинг Керчь «сармат» лари нақшларига ўхшаб кетадиган жойлари бўлишига қарамай, бу безаклар Хоразм воҳаси халқларининг, Ўрта Осиё халқлари миллий тўқимачилиги оламига жуда яқин безаклар эканлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Биз учун энг муҳими Хоразм цивилизациясининг меросхўрлари бўлган ҳозирги Ўрта Осиё халқлари амалий халқ санъатининг илдизлари жуда қадимги замонга бориб тақалишидир.

Тупроққалъа бадиий безакларида хайкалтарошлик ҳам алоҳида аҳамият касб этган. Хайкаллар асосан лойдан, қисман ганчдан тайёрланган. Катта хайкаллар, барельефлар (текис нарсага жуда бўрттириб ишланган нақшлар) қурилиш архитектураси билан уйғунлаштирилган, девор расмлари билан ҳамоханг мазмунга эга. Кишиларнинг қиёфалари, кийим ва тақинчоқлари, қуроллари табиий рангларга жуда ўхшаш рангларда берилган. Тупроққалъа хайкалтарошлик санъати материалларининг кўплаб топилиши билан ҳам машҳурдир. Бу жойдаги тўққизта хонадан қуйдирилмаган лойдан ясалган хайкаллар қазиб олинди. Хайкалларнинг умумий сони 138 та бўлиб, шундан иккитасининг боши синган, гавдаси бутун, бундан ташқари тўртта бош (биттасида узун бош кийими бор), Иккита бош кийимли, битта бошсиз, оёқ-қўлсиз бутун тана, кийим-бош ва шуларга ўхшаш сон-саноқсиз парчалар бор. Хайкал парчалари орасида асл катталигида бир чавандоз рельефи тасвири, отнинг жуда ҳам безатилган айил бойланган биқини ва чавандоз чакмони

²⁷ Аҳмедов.М. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. Т. 1995 Аҳмедов.М. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. Т. 1995. 33 б

бурмалари бўртиб чиққан холдаги кўринишини алоҳида қайд қилиб ўтиш ўринлидир²⁸.

Хайкалларнинг аксарияти ўз катталигида берилган, баъзилари одамга нисбатан бир ярим-икки марта баланд ишланган. Улар ўзига хос турли рангларга бўялган юзига айни одам баданининг ранги берилган кийим боши оқ, яшил, пушти, қизил, қора ва бошқа рангларда.

Хайкалларнинг аксарияти археологлар «подшолар зали» деб ном қўйган залдан топилди. Бу катта зал саройнинг шимоли-ғарбида жойлашган бўлиб, 20X20 м, деворлардаги токчаларда шаклдор ғиштдан урилган юпка панжара деворчалар токчаларни бир-биридан ажратиб турар, ҳар бир токчада бир гуруҳ хайкал ўрнаштирилган эди. Бу токчалардан иккитасида одам гавдасидан икки баравар катта бахайбат эркак одам хайкаллари ўрнаштирилган бўлиб, уларнинг теварак- атрофида 3—5 тадан эркаклар, аёллар ва бола хайкаллари сақланиб қолган.

Ўтирган ҳолатдаги бахайбат хайкаллар подшоларники, теварак- атрофдаги хайкаллар эса уларнинг оила аъзолариники ва хомий худолариники эди. Токчаларнинг биридан топилган, кўлида қизил олма ушлаган аёл гавдаси бу фикрга далил бўла олади. Бу хайкал ҳосилдорлик худоси Анахита ёки Мина учун характерли тимсол ҳисобланади. «Қизил бош», «Вазамир қаллиғининг. боши» деб аталган хайкаллар қадимги хоразмликлар қиёфасини кўз олдимизда гавдалантириши жихатидан ҳам ахамиятлидир. Хайкалларда сиёвушийлар «портретли галереяси»нинг кашф қилиниши Тупроққалъадаги сарой бутун Хоразм подшоларининг саройи бўлганлигидан, Тупроққалъанинг ўзи эса Берунийнинг ёзишича, қароргоҳ, эрамизнинг 305-йилида Кат шахрига кўчирилгунча шохлар ўтирадиган пойтахти бўлганлигидан далолат беради.

Тупроққалъадан топилган нихоят бой материалларни ўрганган профессор С. П. Толстовнинг кўрсатишича, «Қадимги Хоразм юксак ва ўзига хос бадиий маданият яратди. Шаклларнинг мағрурона улуғворлиги билан

²⁸ Пулатов Х. Ўзбекистон архитектура ёдгорликлари. Т. 2003. 52 б

кишини лол қолдирувчи монументал архитектура, лойдан ишланган монументал хайкаллар, кичик хайкалчалар, рельефларнинг ажойиб пластикаси, қадимги Хоразм медаль ясовчи рассомларининг ғоят нафис санъати ва, нихоят, нақшлардаги рангоранг чизма образларнинг уйғунлиги, бутунича олганда қадимги Хоразм цивилизациясини яратган кишилар образли тафаккурининг мустақиллиги, кучи ва етуклигидан далолат берувчи нихоятда оригинал ва яхлит комплексни ташкил этади».

Тупроққалъадаги «подшолар саройи»нинг нихоятда катта бўлганлигини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Чунки қадимги ёдгорликлар ичида бу саройга тенг келадиган саройнинг йўқлиги фикримизнинг далилидир. Тупроққалъа саройида IV асрда бўм-бўшлик аломатлари сезилган бўлишига қарамай, VI асрда ҳаёт яна жон-ланган. Қалъада XII—XIII асрларда ҳам кишилар яшаш жойлари барпо қилинган, унда кишилар яшаганлигини кўрсатувчи излар мавжуд²⁹.

Тупроққалъа суғориш иншоотларининг бузилиши туфайли вужудга келган қурғоқчилик ва синфий кураш туфайли харобага айланган.

Хоразм худудидан Ўрта Осиё бўйича энг қадимги ёзувлар топилган. Булар Ойбуйирқалъа(мил.авв.V-IV асрлар) ёдгорлигидан топилган хум сиртига чекилган ёзув.

Ойбуйирқалъадан энг қадимги ёзув намуналари топилган, у хум сиртига ёзилган бўлиб, унда хумнинг сифими кўрсатилган. Ойбуйирқалъа Қорақалпоғистоннинг Шуманай қишлоғидан 41 км узоқликда жойлашган. Бу ердан милoddан аввалги V асрга оид маданий қатлам топилган. Бу ердан топилган хумдаги ёзувлар дастлабки оромий ёзуви эканлиги аниқланган.

Ёдгорлик 1946-йилда Хоразм экспедицияси томонидан рўйхатга олинган. XX асрнинг 70-80 йилларида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида унинг милл. авв V асрларга оид маданий

²⁹ Рапопорет А.Ю. и другие. Топроқ-қалъа. Дворец. М., 1984. 65 б

катламлари топилди. Қалъанинг умумий майдони 10 га. Бурж билан мустахкамланган, мудофаа деворлари билан ўралган³⁰.

Тадқиқотлар натижасида унинг 3 босқичи аниқланган:

1. Милоддан аввалги V-III асрларнинг охири;
2. Милодий I-IV асрлар;
3. Милодий IX-XI асрлар.

С. П. Толстов рахбарлигидаги Фанлар академиясининг Хоразм археология ва этнография илмий сафари 1939, 1940, 1945 йилларда ўтказилган қазилмалари натижасида Султон Увайс тоғ системасининг шарқий этакларида Оқчадарё ўзани яқинидаги Жонбос тепалиги билан боғлиқ Жонбосқалъа - 4 маконининг сирли тарихини очишга муваффақ бўлдилар. Бу макон кўпинча Калтаминор маданияти номи билан аталади.

Калтаминорликлар ўз қуролларини тош ва суяклардангина ясаб турмушда қўллаганлар. Макондан чакмоқтошдан ясалган жажжи, нозик пичоқсимон қирғичлар, тарашлагичлар ва суякдан ясалган катта қуролларга ўрнатиладиган тиглар, бир томонида ишлов берилган найза учлари, икки томони силлиқланган учбурчакли ингичка найза, трапеция шаклидаги маржонлар ва бошқа ашёлар топилди.

Макондаги маданий қатламдан Хоразм балиқчилари ва овчилари яшаганлигини кўрсатувчи чўртан ва лаққабалик, тўнғиз, буғу ва сувда яшовчи қушларнинг суяклари кўплаб топилди.

Калтаминорликлар овқатларини қўлда ясалган ўткир учли сопол идишларда пиширганлар. Идишларга мураккаб турли геометрик шакл чизиб, серхашам нақш туширилган, девори юпқа ва яхши пиширилган.

Идишлар тухумнинг ярмини эслатувчи қайиқсимон шаклга эгаллиги билан киши диққатини ўзига жалб қилади. Бу ердан топилган кўпчилик идишларнинг аксарияти пиширилгандан кейин қизил бўёқ билан бўялган эди.

Калтаминорликларнинг турар жойлари ҳам тухумсимон шаклга эга эканлиги билан киши диққатига сазовор. Бу турар жойлар қир устидаги тақир

³⁰ Исомиддинов М. Сополга битилган тарих. – Т. 1993. 54 б

катлами остидаги кум орасида яхши сақланиб қолганлиги маконни тўла қайта тиклаш имконини вужудга келтирган эди.

Бу иншоот 24x17 меёрий ўлчамда бўлиб, баланд кум устига қурилган. Чайла уйнинг икки четига синч терилган тор йўлакдан қирилган. Қираверишда ўнг томонда, доимо ёниб турувчи бош ўчоқнинг орқасида овқат пишириладиган қатор ўчоқлар бўлган.

Бу маконда болаларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда 100—120 кишидан иборат уруғдош жамоа истиқомат қилган.

С. П. Толстов Қалтаминорликларнинг чайла-уйида милодимиздан аввалги IV—III минг йилликда (неолит даври охирларида) бир ,неча жуфт оилага бўлинган бутун она уруғи яшаган, деган хулосага келади. Бу уйдаги ўчмай ёниб турадиган муқаддас ўчоқдаги Олов эса она уруғи жамоасининг ижтимоий маркази бўлган³¹.

Қираверишдаги чап томондаги гулханлар йўқ жойда жамоа урф-одати бажарилган ва маросимий рақсларга тушилган. Нихоят бу бўлимнинг чеккасидаги кичик гулханлар ёнган уйда бўйдоқ йигитлар турган. Улар ҳам оила ўчоғида пиширилган овқатлардан истеъмол қилганлар.

Кангюй давридаги Жонбосқалъа-1 харобалари (милодимиздан аввалги IV ва милодимизнинг I асри) Жонбосқалъа- 4 қир тепаликларига яқин ҳудудда жойлашган. Қалъа деворлари яхши сақланганлиги, харбий кузатув иншоотлари аниқ кўриниб туриши билан кўзга ташланиб турибди. Бу эса Жонбосқалъада истехкомлар қуришда давлатнинг ёрдами катта бўлганлигини кўрсатади.

Қалъа катта-катта хом ғишдан (асосан 40x40x10 см ўлчамда) қалин ва баланд деворлар билан ўраб олинган, 3,5 гектар майдонни эгаллаб турибди. Қўр- ғоннинг икки томонининг узунлиги 200 метр, эни эса 170 метр масофага эга. Девор икки қаватли бўлиб, му дофаага қулайлаштирилган, икки қаватда

³¹ Толстов С.П. По сделам древне хорезмийской цивилизации. М. 1948. 33 стр.

хам ўқ отиш учун мўлжалланган йўлак бор. Душманни мўлжалга олиниши учун қулай бўлган шинаклар ишланган. Қалъада 1000 ўринли, 200 хонали турар жой ўрнаштирилган.

Қалъа девори қум-барханлар ўрнашган тепаликка қурилганлиги учун ҳам хозиргача анча яхши сақланган. Деворнинг тепаликдан юқориси 9,5—10 метр ат-рофидаги баландликка эга. Деворлар оралиғидаги юриладиган йўлакнинг кенлиги 2,80 метр, ички ва ташқи деворнинг пасти лой пахсадан ишланган, юқори қатлами хом ғишдан қурилган. Жонбосқалъа деворларида цоколь йўқ. Ён томонларни ўққа тутиш ва бурчакларни химоя қилиш учун ёнбош шинаклари мавжуд бўлиб, ўртадаги шинак тўғри, икки ёнидагиси хар томонга қараган. Улар бир-биридан маълум масофадаги узоқликда жойлашган эди.

Қалъа химоячилари икки қаватли отиш учун мўлжалланган йўлакдан фойдаланганлар.

Деворлари ичида одам яшаган шаҳарлардан бири Жонбосқалъада бор-йўғи иккита уй бўлиб, уларнинг ўртасидан шаҳарнинг, ягона кўчаси ўтган. Шаҳарнинг иккита ката бинонинг хар бирига туташувчи деворларининг ғиштига туширилган тамғалар шакли бир-бирига айнан ўхшаш. Иккинчи катта уйнинг ғиштларига ҳам ўзига хос бир-бирига ўхшаш тамғалар туширилган бўлиб, биринчи уйникига ўхшамайди.

Келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, Жонбосқалъа уйларида яшаган, жамоалар ўзларининг уруғчилик хусусиятларини хали йўқотмай сақлаб ке-лаётганлигини таъкидлаш имконини беради.

Ибтидоий жамоа даврини бошидан кечирган халқларда қабилаларни бир-биридан ажратган турар жойлар бўлганлигини, уларда фратрияларга ажралиб яшаганликлари билан боғлиқ алохида урф-одатлар ҳам юзага келган. Ана шундай урф-одатлардан бири икки фратрия ўртасида бўладиган диний мусобақаларнинг ўтказилишидир.

Махсус этнографик маълумотларга қараганда «дуал тузилиш», яъни қабилаларнинг ўзаро бир-бири билан никоҳ қилиш мажбурияти асосида

бирлашган икки гуруҳга — уруғларга бўлиниши ғайритабиий дунёқараш билан боғлиқ дуалистик эътиқодлар мажмуи тарзида ўз аксини топиб, фаришталар, кейинчалик худолар олами ҳам фратрияларга ўхшаб икки қисмга бўлинади ва бир-бири билан доимо курашувчи сифатидаги қиёфага эга бўлади.

Қадимги Хоразм шаҳарларидан бири бўлган Жонбосқалъада ҳам бош кўчанинг дарвозага қарама-қарши томондаги энг охирида оловхона ўрнашган. Бу оловхона диний маросимлар ўтказиладиган ва умумий халқ келиб овқатланадиган жой бўлган. Шу билан бирга жамоатни бир ерга тўплаб, кўшни уруғ ва қабилалар, фратриялар билан бўладиган муҳим маслаҳатларни ҳам «оловхона» атрофида хал қилганлар.

Жонбосқалъа ва унинг атрофларидан қадимий хоразмликлар ижтимоий турмушини ўрганишга оид ашёвий далиллар топилди. Улар туфайли бу ерларда хунармандчилик ривожланганлиги ҳақидаги маълумотларга эга бўлинди³².

Идишларнинг кўпчилиги маромига етиб пишган, оёқ билан айлантриладиган чархда кулолчилик кабини эгаллаган усталар кўлида сайқал топганлиги билан ажралиб туради. Сополларнинг аксарияти сиртига лок, баъзан эса қора лок берилган. Идишларнинг орасида катта-кичик кўзалар ҳам, турли хажмдаги хумлар ҳам, катта ва ясси идишлар ҳам, таги узун қадахлар ҳам, узига хос гардишли таглик косалар ҳам, анчагина идишларнинг бандига жониворларнинг ғалати шакллари туширилганлари ҳам учрайди. Жонбосқалъадан топилган аксари кўзалар бандининг юқори қисмини тишлари билан гўё идишнинг четини тишлаб турган арслон боши безаб туради.

Жонбосқалъадан топилган маржонларнинг аксарияти майда ва тўқ кўк рангли шиша бўлиб, кўндаланг чизиқ чизиқлиб, нақш туширилган шарсимон, цилиндрсимон, тухумсимон шаклда ясалган. Шунингдек оқ шишадан

³² Кўйкирилганқалъа-памятник древнего Хорезма. IV-в до н. э. - IV в н. э. М., 1967. 44. Стр.

қилинган, шакли ғалтакка ўхшаш, сиртига олтин суви юритилган, зангори ва тилла ранг жигарранг шишадан қилинган маржонлар топилган эди. Маржонларнинг кўпчилиги Сурия, Миср, Шимолий Қора денгиз бўйи шаҳарларидан келтирилган. Айниқса, Мисрдан келтирилган буюмлардан яшил тусдаги пастадан ясалган иккита фаллас (эркак ва аёлларнинг жинсий аъзоларига эътиқод) ва худо Беснинг жажжигина хайкалчасининг топилиши фикримизнинг далили бўла олади.

Бундан ташқари, Қўйқирилганқалъа яқинидан топилган сопол ниқоб ва ўша давр Хоразм одамининг юз қиёфаси аниқ акс этган киши боши хайкали ва анчагина Кангюй даври тангаларининг топилиши хунармандчилик ҳам яхши ривожланганлигидан далолат беради³³.

Кўзалиқир — Қадимги Хоразмда бўлган шаҳар-қалъа харобаси (миллоддан аввалги 1-минг йилликнинг 1-ярми). Жайхун (Амударё)нинг кўҳна ўзани бўйида жойлашган. 1939-й. С. П. Толстов бошчилигидаги Хоразм археология этнография экспедицияси топган, 1950, 1953—54 йилларда қазилар ишлари олиб борган. Археологик тадқиқотлар натижасида қуйидагилар аниқланган: Кўзалиқир учбурчак шаклидаги майдон (1000х400) теъвариги бўйлаб пахсадан қурилган усти ёпиқ бир неча қатор йўлаклар (умумий узунлиги 6—7 км) дан иборат турар жойлар бўлиб, уларнинг ичкарисига юқоридаги туйнуклар орқали киришган. Биринчи қатордаги йўлакнинг ташқи девори буржлар билан мустаҳкамланган, юқори қисмида қатор шинаклари бўлган. Йўлақларнинг ичи алоҳида-алоҳида турар жойларга бўлинмаганлиги уларда бир уруғ ёхуд ўзаро қариндош уруғлар гуруҳи яшаганлигини кўрсатади. Кўзалиқир аҳолиси ўша даврлардаги муттасил босқинлардан ўзларини ҳамда жамоанинг асосий бойлиги — чорвани ҳимоя қилиш учунгина ана шундай узундан- узун, қоронғу йўлакларда яшашга мажбур бўлган. Кўзалиқир кўп жиҳатдан Авестода таърифланган нарға мос келади. Кўзалиқирдан скифларга хос жез камон ўқлари, кулолчилик дастгоҳида ясалган турли сопол идиш ва буюмлар

³³ Т.Қиличев “Кўҳна қалъалар диёри ” Тошкент “Ўқитувчи” 1993. 56. Стр.

топилган. Аҳоли Кўзалиқир ташқарисида деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган ҳамда бирор хавф-хатар туғилиши билан молларини ичкарига — мазкур учбурчак майдонга хайдаб кирган, ўзлари эса йўлакларда туриб душманни даф қилган³⁴.

Қалъалиқир — қадимий Хоразм ҳудудидаги шаҳар харобаси (миллоддан аввалги 6—4-асрлар). Тошҳовуз вилояти (Туркменистон) ҳудудида, қадимий Чирмонёп канали бўйларида жойлашган. 1939 йил С.П. Толстов томонидан тадқиқ этилган. 1950 йилда Хоразм археология- этнография экспедицияси томонидан қайта тадқиқ қилинган. 1953 ва 1958 йилда Ю.А.Раппопорт раҳбарлигида текширув ишлари олиб борилган. Қалъалиқир 2 та йирик шаҳар харобаси Қалъалиқир I ва Қалъалиқир II дан иборат. Қалъалиқир I тўғри тўртбурчаксимон шаклда, ҳажми 1100х700 м. Қалъалиқир II эса учбурчаксимон (тепалик шаклига кўра) бўлиб, майдони 1000х400 м. Шаҳар харобаларининг ички юзасида маданий қатлам мутлақо учрамайди. Бу жой чорва сақланадиган кўра вазифасини ўтаган. Шаҳар аҳолиси мудофаа деворига жойлашган усти гумбаз билан ёпилган йўлаксимон тор хоналарда яшаганлар. Қалъалиқирда 2 та параллел ички йўлаксимон турар жой хоналари топилган. Қалъалиқирнинг бошқа қисмида турар жойлар аниқланмаган. Шимолий Девор олдидаги кўп хонали бино дафн иншооти — «ўликлар уйи» бўлиб, унда лойдан ясалган катта идишларда (оссуарийлар) майитларнинг суяклари сақланган. Авестода худди Қалъалиқирдаги каби йўлаксимон турар жойлар, квадрат шаклдаги варлар ҳақида айтиб ўтилган. (вар (суғдча — кўрғон) — қад. Туркистонда мавжуд бўлган истехком тури; тўрт томони мудофаа деворлари б-н ўралган кўрғон. Одатда сайхон ерда қурилиб, асосан чорва моллари ва уй паррандаларини душмандан ҳимоя қилишга мўлжалланган. Авестодаги маълумотларга кўра, Варларнинг ҳар бир томони бир от чопими (3 км) узунлигида бўлган. Дастлабки Варлар тахм.мил. ав. 1-мингйилликнинг 1-ярмида вужудга келган ва кейинчалик катта-кичик қалъали йирик қишлоқ ёки шаҳарларга айланган. Вар сўзи

³⁴ Кабиров Ж., Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. Т., 1990. 44 б

кўпгина қад. шаҳар ва қишлоқлар номлари таркибига кирган. Мас., Далварзин, Варахша, Вардонзе ва б.).

ХУЛОСА

Тарих тажрибаси ҳозирги даврда рўй бераётган мураккаб ижтимоий сиёсий алоқаларни янада чуқурроқ идрок этиш ва тушуниб етиш, мустақиллигимиз ва тараққиётимизни қадрлашга шу асосда жамият ривожига ҳисса қўшиш учун кенг имкониятлар яратилди. Шу жиҳатдан Хоразм воҳаси цивилизацияси пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари тарихини ўрганиш ва бу борада маълум хулосалар бериб аниқ концепция яратиш ҳам ниҳоятда муҳимдир. Илмий нуқтаи назардан ҳам ўлкамиз ҳудудларидаги айрим кўҳна шаҳарлар харобалари казишмаларида шаҳар иштирок этиш ҳамда мавзуга оид кўп тарихий-илмий адабиётларни ўрганиш асосида ушбу масалага аниқлик киритишга ҳаракат қилдик.

Тарихга фикран назар ташлайдиган бўлсак, халқлар, жамият ва кишилик цивилизациялари тақдирларини олиб қарасак, барча маданиятлар, жамиятлар ва халқлар ўз мавжудлик тақдирида шаклланишни пайдо бўлиш,

ривожланиш ҳамда инқироз жараёнларини бошдан кечирганини кузатишимиз мумкин. Ушбу мавжудлик даври давомида улар ўртасида турли алоқалар, ўзаро таъсир ва ўзаро боғлиқлик тартиби мавжуд эди. Ўлкамиз ҳудудларида илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш жараёнларини ҳам кўп ҳолларда айнан мана шу алоқалар ва боғлиқлик тартиби белгилаб беради.

Ишни бажариш жараёнидаги қиёсий таҳлиллар натижаларига кўра, замонавий тарих фанининг долзарб муаммоларидан бири – ўзбек давлатчилиги тарихи ва илк шаҳарсозлик маданиятини холисона ўрганиш ва тадқиқ этиш муҳим масала бўлиб, шаҳарлар тараққиётидаги тарихий-маданий жараёнларнинг тараққиёт босқичларини ўрганишдаги манбашунослик ва тарихшунослик асосини моддий ва дастлабки ёзма манбалар ташкил этади.

Урбанизация жараёни ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг маълум қонуниятларига асосланган цивилизациянинг босқичидир. Шаҳарсозликнинг ривожланиш жараёнлари табиат ва жамият тараққиётининг оддийдан мураккабгача бўлган умумий қонуниятларига бўйсунди. Ўрта Осиёда урбанизация жараёнларининг пайдо бўлиши ва ривожланиш масалалари турли тадқиқотлар олиб боришни талаб этади.

Ҳозирги кунга келиб тўпланган маълумотларнинг таҳлилаш натижасида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

-шаҳар - инсониятнинг қадимги ва шу билан бирга энг замонавий ҳудудий жойлашган шаклидир. Шунингдек, шаҳар – инсон томонидан табиий бунёд этилган ҳаётий зарурат бўлиб, одамларнинг ҳар томонлама фаолият кўрсатиши учун ўта муҳимдир. Шаҳар – меъморчилик ва қурилиш фаолиятининг нисбатан юқори ва мураккаб кўриниши бўлиб, унда ишлаб чиқариш кучлари, маданий анъаналар, ихтисослашган ҳунармандчилик, диний ва дунёвий иншоотлар ҳамда савдо - сотик марказлашган бўлади. Шаҳарларнинг тараққий этиши кўплаб омиллар, аввало, аҳолининг ўсиши ва унинг меҳнат фаолияти ҳамда турмуш тарзи билан бевосита боғлиқдир;

-бронза давридаги меҳнатнинг иккинчи йирик тақсимоти илк шаҳарлар шаклланиб бошланиши учун муҳим имконият яратибгина қолмай, бу жараённинг асосий иқтисодий омили ҳам бўлди. Илк шаҳарларнинг пайдо бўлишида кўплаб ижтимоий- маданий омиллар сабаб бўлишига қарамай, турли шароитларда у ёки бу гуруҳ, сабаблар устунлик қилади. Аниқ тарихий-маданий шароитларда шаҳар маданиятининг шаклланиши ижтимоий-иқтисодий (хунармандчилик ва савдо-сотиқнинг ривожланиши), ҳарбий-сиёсий (мудофаа иншоотларига бўлган эҳтиёж) ва бошқа (бошқарув тизимининг ажралиши) тартибларини мавжудлиги билан узвий боғлиқдир;

-жамият ҳаётида меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, ўтроқ, деҳқончиликнинг тараққий этиши, ихтисослашган хунармандчилик ҳамда ишлаб чиқарувчи хўжаликнинг ривожланиши каби омиллар жаҳон тарихидаги илк шаҳарлар пайдо бўлиши учун ҳам хосдир. Қадимги Шарқ шаҳарсозлик маданияти ўзига хос йўналиш бўйича ривожланган бўлсада, кўп ҳолларда бир-бири билан ўхшашлик топади. Бу ўхшашликни қиёсий таҳлил асосида Ўрта Осиё шаҳар маданияти тараққиётида ҳам кузатиш мумкин;

-Ўрта Осиёдаги дастлабки шаҳар ва шаҳар кўринишидаги марказлар ҳамда манзилгоҳларнинг ривожланишини қуйидаги даврларга ажратиш мумкин:

1. м.авв. III-II минг йилликнинг биринчи ярми – Жанубий Туркманистон (Олтинтепа, Намозгоҳ), Юқори Зарафшон (Саразм), Жанубий Ўзбекистондаги ёдгорлик (Сополлитепа);

II. мил.авв. II минг йилликнинг ўрталари – Жанубий Туркманистон "йўналиши (Имингйиллик), Жанубий Ўзбекистон (Жарқўрғон);

III. мил.авв. II минг йилликнинг охири – I минг йилликнинг ўрталари Сурхондарё, (Қамчитепа), Қашқадарё (Ерқўрғон, Узунқир), Хоразм-Кўзалиқир, Фарғона, Далварзин;

Умумий хулоса қилиб айтадиган бўлсак, шаҳар – одамларнинг нисбатан қадимги ва шу билан бирга энг замонавий ҳудудий жойлашув шакли бўлиб, унинг тақдири ва гуллаб-яшнаши билан унда яшовчи ҳар бир фуқаро

кизиқиши табиийдир. Шаҳарларнинг пайдо бўлиши, мавжудларининг ривожланиши атроф-муҳитнинг ўзлаштирилиши билан боғлиқ бўлиб бу жараён ижтимоий тузум тараққиёти ва хусусиятини ўзида акс эттиради. Шунингдек, ҳар бир тарихий давр шаҳарсозлигининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Шаҳар – бу инсон томонидан табиий яратилган ҳаётий зарурат бўлиб, унинг турли томонлама фаолият кўрсатиши учун ўта муҳимдир. Жамият тараққиёти натижасида шаҳар шаклланади, ривожланади ва кенгайиб боради. Шаҳар – меъморчилик ва қурилиш фаолиятининг нисбатан юқори ва мураккаб кўринишидир. Айнан шунинг учун ҳам шаҳарларнинг пайдо бўлиши меъморчилик иншоотларининг қад кўтариши билан бевосита боғлиқдир. Шаҳар – бу кўп режали, мураккаб тузилишга эга ҳудуд бўлиб бу ерда ишлаб чиқариш кучлари, маданий анъаналар, ихтисослашган ҳунармандчилик кабилар марказлашади. Шаҳарларнинг тараққий этиши кўплаб омиллар, аввало, аҳолининг ўсиши ва унинг меҳнат фаолияти ҳамда турмуш тарзи билан бевосита боғлиқдир. Биз юқорида кўриб ўтган битирув малакавий иш мавзуси орқали қадимги Хоразм воҳасида ҳам илк шаҳарлар ривожланганлиги шу асосда Хоразм давлатчилиги шаклланганлиги, шунингдек, ушбу ҳудудда моддий маданият ривожланганлигини гувоҳи бўлдик. Демак, қадимги Хоразм воҳасини гуллаб яшнаши Хоразм давлати тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. - 32 б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. -Б.84.
3. Ахмедов.М. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. Т. 1995.
4. Аскарлов А.А. Ўзбекистон тарихи. Тошкент. 1994
5. Аскарлов А.А. Энг қадимги шаҳар. Т 2001.
6. Аскарлов А.А Ширинов Т. Раняя городская культура эпохи бронзу юга Средней Азии. – Самарканд 1993.
7. Бойназаров Ф. Антик дунё. Т.: Меҳнат, 1989.
8. Буниятов З. Государство Хоразмшахов – Ануштегинов. М.: 1998.
9. Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. Ташкент. 1957
10. Гуломов Я.Ғ Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Т., 1959
11. Гуломов Я.Ғ. Қадимги маданиятимиз илдизлари. Т.: Фан.
12. Иброхимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиё бўйлаб саёхати. Т., 1991
13. Кабиров Ж., Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. Тошкент: Ўқитувчи. 1990.
14. Кабиров Ж., Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. Т., 1990.

15. Пугаченкова Г.А. Ртвеладзе.Э.Б. Северная Бактрия-Тотаристан. Т. 1990.
16. Пулатов Х. Ўзбекистон архитектура ёдгорликлари. Т. 2003.
17. Рапопорет А.Ю. и другие. Топроқ-каъа. Дворец. М., 1984
18. Т.Қиличев “Кўхна калъалар диёри ” Тошкент “Ўқитувчи” 1993
19. Толстов С.П. Древний Хорезм. Опыт историко- археологического исследования. М. 1948
20. Толстов С.П. По делам древне хорезмийской цивилизации. М. 1948
21. Толстов С. П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Т.: Фан. 1964.
22. Эгамбердиева Н.А. Археология . Т. 2011.
23. Эшов Б. Қадимги Ўрта Осиё шаҳарлари.-Т., 2006.
24. Қўйқирилганқалъа-памятник древнего Хорезма. IV-в до н. э. - IV в н. э. М., 1967
25. Исомиддинов М. Сополга битилган тарих. – Т. 1993.
26. Сагдуллаев А.С ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Т. 2000.
27. Қудратов С.С Марказий Осиё Худудларида илк давлатларнинг пайдо бўлиши. – Гулистон. 1998. 18-19 бб.
28. Ўзбекистон тарихи. Муаллифлар жамоаси. – Т. 2003. Эшов Б. Цивилизация тарихида илк шаҳарлар. – 2004.
29. Ўзбекистон тарихи. А.Сагдуллаев. Б.Эшов таҳрири остида. – Т. Университет, 1997.
30. Ўзбекистон тарихи (1-қисм). Т. “Университет” 1997.
31. Ўзбекистон тарихи (талабалар учун қисқача маърузалар матни), Т., “Университет”, 1999.
32. Шамсутдинов Р. Каримов Ш Ватан тарихи (биринчи китоб) Т.; “Шарқ” 2010.
33. Рейимбаев.Ш. Хоразм шаҳарларининг архитектуравий-тарихий тизими. XIX аср охири XX аср боши. Т. 2002.

**Андижон давлат университети Тарих ва ижтимоий фанлар факультети
4- босқич талабаси НАЗИРОВ АНВАРнинг ХОРАЗМ ВОҲАСИНИНГ
ҚАДИМГИ МОДДИЙ МАДАНИЯТ ЁДГОРЛИКЛАРИ ТАРИХИ
мавзусидаги битирув малакавий ишига
ТАҚРИЗ**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин, она-Ватан тарихини билишга, ўзликни англашга қизиқиш ортди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, “Ўз тарихини билмайдиган, кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ. Бу ҳақиқат кишилик тарихида кўп бора ўз исботини топган”. Тарих сабоқлари инсон учун намуна бўлади, таълим тарбия беради. Тарих сабоқлари халқни ҳушёрликка, ўз озодлигимиз, истиқлолимизни кўз қорачиғидек асрашга ундайди. Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, “Модомики ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳақиқий тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантиришимиз, яна бир бор қуроллантиришимиз зарур”.

Бугунги кунда тарихшунослигимизда ўрганилиши долзарб бўлган масалалардан бири Хоразм воҳасида қадимги моддий маданият ёдгорликлари тарихи мавзусидир. Истиқлол шарофати билан юртимизда кенг миқёсда археологик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бунинг натижасида, ватанимиз ҳудудида вужудга келган илк шаҳарлар, шаҳарсозлик тарихини ўрганишга эътибор кучайди. Ушбу мавзу бўйича мустақиллик нуқтаи назаридан ёзилган илмий адабиётлар вужудга келди. Шунинг учун ҳам ушбу мавзу долзарб. Битирув малакавий иши кириш учта та боб, хулоса, адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув малакавий ишида Хоразм воҳасининг қадимги моддий маданият ёдгорликлари тарихининг вужудга келишидаги ижтимоий-иқтисодий омиллар мисоллар асосида ҳамда ушбу даврни ўрганган археолог олимларнинг тадқиқотлари асосида очиб берилган. Шунингдек, президентимиз И.А.Каримовнинг асарларидан ҳам методологик манба сифатида фойдаланилган. Хар бир давр ёдгорликлари слайдларда ўз аксини топган. Топилган ёдгорликларни даврма-давр солиштирган.

Назирова Анварнинг 5220200 Тарих (Мамлакатлар ва минтакалар бўйича) бакалавр академик даражасини олиш учун “Хоразм воҳасининг қадимги моддий маданият ёдгорликлари тарихи” мавзусидаги битирув малакавий ишини тугаланган деб ҳисоблаб ҳимояга тавсия этиш мумкин.

Тақризчи:

**АДТИ ижтимоий-гуманитар фанлар
кафедраси доценти Хаджамуратова М**

**Андижон давлат университети Тарих ва ижтимоий фанлар факультети
4- босқич талабаси НАЗИРОВ АНВАРнинг ХОРАЗМ ВОҲАСИНИНГ
ҚАДИМГИ МОДДИЙ МАДАНИЯТ ЁДГОРЛИКЛАРИ ТАРИХИ**

ХУЛОСА

Мустақиллик шароитида жамиятдаги янги ислохотларни амалга ошириш жараёнида, жамият аъзоларини эркин, демократик тафаккур ва миллий ғоя руҳида тарбиялаш вазифаларини бажаришда тарих фанининг аҳамияти ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўзининг “Юксак маънавият-енгилмас куч” номли китобида таъкидлаганидек: “Албатта ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди”. Истиқлол йилларида Ўзбекистон тарихининг кўпгина масалалари ўзининг янги, илмий жиҳатдан холис ва ҳаққоний ечимини топа бошлади. Бу айниқса, бир неча ўн йиллар давомида сохталаштирилиб, бир ёқлама талқин қилиб келинган совет даври тарихини ўрганишда яққол кўзга ташланади.

Мана шундай долзарб мавзулардан бири Хоразм воҳасининг қадимги моддий маданият ёдгорликлари тарихи мавзусидир. Ушбу мавзунинг ёритишда керакли манбалардан фойдаланган. Айниқса, шаҳарсозлик тарихига оид бронза давридаги Хоразм воҳасидан топилган шаҳар харобалари ўрганилган. Ушбу ёдгорликларни тадқиқ этган ўзбек археолог олимларидан А.Асқаров, А.Сагдуллаев, Б.Эшовларнинг шу даврга оид адабиётларидан, илмий рисолаларидан ҳам фойдаланган. Айниқса, шаҳар тарихига оид археологик маълумотлар даврма-давр солиштириб, асослаб берилган.

Битирувчи томонидан тўпланган материалларнинг 60 фоизи битирув малакавий ишида ўз аксини топди. Ишни ёзишда рус археолог олимларининг асарларидан, тадқиқотларидан шунингдек, даврий матбуот материалларидан ҳам фойдаланган. Талаба келажакда ўқишни магистратура таълим йўналишида давом эттириш истагини билдирса, битирув малакавий ишни магистрлик диссертацияси даражасига олиб чиқиш мумкин.

Назирова Анварнинг Хоразм воҳасининг қадимги моддий маданият ёдгорликлари тарихи мавзусидаги битирув малакавий ишни тугалланган деб ҳисоблаб ҳимояга тавсия қилиш мумкин.

Илмий раҳбар:

доцент Д. Собирова